

O'ZBEKISTON

TARIXI

3/2018

HISTORY OF UZBEKISTAN







O'ZBEKISTON
FANLAR AKADEMIYASI

3

2018

Jurnalga 1998-yil iyulda
asos solindi.

*Bir yilda to'rt marta
chiqadi.*

© O'zbekiston Respublikasi
Fanlar akademiyasi

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI

O'ZBEKISTON TARIXI

Илмий журнал

МУНДАРИЖА

Мақолалар

- Н. Исматова.** XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлиги вақф мулкчилигида аёллар фаолияти 3
С. Муҳиддинов. XIX аср охири – XX аср бошларида Самарканд вилояти мадрасаларининг вақф даромадлари ва уларнинг бошқаруви 14

Ўзбекистон давлатчилиги тарихи ва тарихишунослиги

- Г. Ачилова.** Чингизийлар даври Мовароуннахр маъмурий бошқарувида марказий ва маҳаллий анъаналар 26
Ж. Яқобжанов. Қўқон хонлиги марказий бошқарувида унвон ва мансаблар 38
С. Мадьярова. Туркистон Мухториятининг вужудга келиши ва фаолиятига оид дастлабки илмий қарашлар 48
Н. Маҳкамова. XX аср 20-30 йиллар адабиётларида совет давлатчилиги янги шакллари мушоҳадасининг акс этishi 60

Ўзбекистон тарихи хориж тадқиқотларида

- Д. Ташкенбаева.** XX аср охири – XX аср бошларидаги Туркистон жамияти ижтимоий-иқтисодий муаммоларининг хорижий тадқиқотчилар асарларида ёритилиши 72

Манба ва талқин

- О. Маҳмудов.** ЎЗР Марказий давлат архиви фондларидан А. Е. Снесаревнинг “Помир қирқизлари даромад солиғи” махсус расмий маълумотномаси 84

Илмий ҳаёт

- “Зарафшон воҳаси жаҳон цивилизацияси тарихида” мавзuidaги илмий-амалий тадбирлар ҳақида.
М. Шамсиев 96
Интеллектуал мерос – инсониятнинг энг бой маънавий хазинасидир. **А. Тоғаева** 100

СОДЕРЖАНИЕ

Статьи

- Н. Исмагова.** Деятельность женщин в вакуфной собственности в Бухарском эмирате во второй половине XIX – начале XX вв. 3
- С. Мухиддинов.** Доходы вакфов и управление медресе в Самаркандской области в конце XIX – начале XX вв. 14

История и историография государственности Узбекистана

- Г. Ачилова.** Особенности центрального и местного управления в Мавераннахре в период Чингизидов 26
- Ж. Якобжанов.** Звания и должности в системе центрального управления Кокандского ханства 38
- С. Мадьярова.** Первые научные взгляды о формировании и деятельности Туркестанской автономии .. 48
- Н. Махкамова.** Отражение в литературе 20–30-х годов XX века вопросов осмысления новых форм советской государственности 60

История Узбекистана в зарубежных исследованиях

- Д. Ташкенбаева.** Освещение социально-экономических проблем Туркестанского общества конца XIX – начала XX вв. в трудах зарубежных исследователей 72

Источник и интерпретация

- О. Махмудов.** Записка А. Е. Снесарева «Податное обложение киргизов Памира» из фондов Центрального государственного архива РУз 84

Научная жизнь

- О научно-практической конференции «Зарафшанская долина в истории мировой цивилизации».
- М. Шамсиев** 96
- О работе республиканской научной конференции «Интеллектуальное наследие в Центральной Азии в XIX–XX вв.: традиции и инновации».
- А. Тогаева** 100

Тахрир хайъати:

Дилором Алимова
(бош мухаррир)
Сурайё Каримова
(бош мухаррир ўринбосари)
Равшан Абдуллаев
Бахром Абдухалимов
Мируэрт Абусенотова
(Қозоғистон)
Адхам Аширов
Бахтиёр Бабаджанов
Алишер Дониёров
Дано Зияева
Мирсодиқ Исҳоқов
Марианна Камп (АҚШ)
Татьяна Котюкова
(Россия)
Шаин Мустафаев
(Озарбайжон)
Нодира Мустафаева
Азимхўжа Отахўжаев
Катрин Пужоль
(Франция)
Мирзохид Раҳимов
Эдвард Ртвеладзе
Нозим Ҳабибуллаев
Флориан Шварц
(Австрия)
Темур Ширинов
Шоира Асадова
(масъул котиб)

Манзилимиз:

100060, Тошкент ш.,
Шахрисабз 5-тор кўчаси.

Журнал Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот агентлиги
томонидан рўйхатга олинган.
Гувоҳнома № 0051

Теришга берилди
20.11.2018.

Босишга рухсат этилди
06.12.2018.

Қоғоз бичими 70x100^{1/16}.
Таймс гарнитураси.

Офсет босма. Офсет қоғози.
Шартли босма т. 6,5.
200 нусха.

Буюртма № 780.
Келишилган нархда.

«NISO-POLIGRAF» MCHJ
босмаҳонасида чоп этилди.
Тошкент в., Машъал маҳалласи,
Марказий кўчаси, 1-уй.

Мақолалар

Н. ИСМАТОВА

**ХІХ АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – ХХ АСР БОШЛАРИДА
БУХОРО АМИРЛИГИ ВАҚФ МУЛКЧИЛИГИДА АЁЛЛАР
ФАОЛИЯТИ**

Ислом таълимотида аёллар мавзусига алоҳида урғу берилган бўлиб, уларнинг оиладаги, жамиятдаги ўрни, ҳақ-хуқуқлари аниқ белгилаб қўйилган¹. Қуръон ҳам, ҳадис ҳам мусулмон аёлларининг эркаклар аралашувисиз ўз мулкларига эга бўлиш ҳамда уларни бошқариш ҳуқуқлари мавжудлигини тўла тасдиқ этади². Хусусий мулкка эга бўлган аёллар бевосита жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ҳам иштирок этиш имконига эга бўладилар.

Ислом тарихида турли ижтимоий қатламларга мансуб мулкдор аёлларнинг жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳамда иқтисодий ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган вақф мулкчилигида фаол иштирок этганликлари бир қатор тадқиқотларда ўз аксини топган³.

Марказий Осиё тарихида ҳам аёллар мулкчиликнинг ушбу муҳим турида ўзига хос ўрин эгаллаган бўлсалар-да, мазкур масалани ёритувчи тадқиқотлар жуда кам⁴. Мавжуд тадқиқотлар ҳам XV-XVI асрлардаги ҳолатни ёритиш билан бирга ўрганилаётган даврда аёлларнинг вақф мулкчилигидаги иштироки ҳақида маълумот олиш имконини бермайди.

¹ Қуръони Карим. “Нисо” сураси, 4-19-34-оятлар;

² Shatzmiller Maya. Women and Property Rights in al-Andalus and the Maghrib: Social Patterns and Legal Discourse. // Islamic Law and Society. Vol. 2, No. 3, Marriage, Divorce and Succession in the Muslim Family. 1995. P. 221.

³ Deguilhem Randi. The Muslim Woman as Creator and Manager of Waqf Foundations in Late Ottoman Damascus. In Beyond the Exotic – Women’s Histories in Islamic Societies. Syracuse, New York, 2005. P. 102-115; Zarinebaf Fariba. Women, Patronage, and Charity in Ottoman Istanbul. In Beyond the Exotic – Women’s Histories in Islamic Societies. Syracuse, New York, 2005. P. 89-101; Zarinebaf Fariba. Economic Activities of Safavid Women in the Shrine-City of Ardabil. // Iranian Studies, Vol. 31, No. 2, Historiography and Representation in Safavid and Afsharid Iran. 1998. P. 247-261; Ann Fay Mary. Women and Waqf: Toward a Reconsideration of Women’s Place in the Mamluk Household. // Middle East Studies. No. 29. 1997. P. 33-51.

⁴ Subtelny M. E. Timurids in Transition. Turko-Persian Politics and Acculturation in Medieval Iran. Leiden-Boston: Brill, 2007. P. 154-158; 171-189; Мукминова Р.Г. К истории аграрных отношений в Узбекистане XVI в. По материалам Вақф-наме. Ташкент: Фан, 1966. 356-б.

Шу жиҳатдан XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлиги вақф мулкчилигида аёллар фаолиятини ўрганиш ҳам мазкур муаммо доирасидаги масалалардан бири. Ушбу масалани ёритишда Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви (ЎзР МДА) нинг “Вақф ёрлиқлари коллекцияси” деб номланган И-323-фондида сақланаётган Бухоро амирлигига оид вақфномалар асосий манба бўлиб хизмат қилади. Зеро, “қозилик ҳужжатлари орасида вақфномалар аёллар тарихини ёритишда муҳим манба сифатида ажралиб туради. Вақфномалар вақф қилувчи аёллар (*воқифалар*) ҳақида турли хилдаги маълумотлардан хабардор қилибгина қолмай, балки уларнинг ўзига хос овозларини эшитиш имконини ҳам беради”⁵.

Бухоро амирлигида аёллар томонидан вақф мулкларининг таъсис этилиши ҳамда воқифа аёлларнинг ижтимоий таркиби

Бухоро амирлигида асрлар давомида шариат қоидалари ҳамда ижтимоий амалиётлар қоришувида шаклланиб келган вақф мулкчилиги XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмади. Архив ҳужжатлари таҳлили бу даврда вақф мулклари салмоғи ниҳоятда ортганлигини кўрсатади. Жамиятнинг турли соҳаларида ўз ўрнига эга бўлган аёллар вақф мулкларини таъсис этиш жараёнларида ҳам фаол иштирок этганликлари алоҳида диққатга сазовордир.

Архив ҳужжатлари XIX-XX асрларда қилинган вақф мулкларининг тахминан 25 фоизи аёллар ҳиссасига тўғри келганлигини кўрсатади. Шундан тахминан 150 та вақфнома XIX асрларга, 130 дан ортиғи эса, XX асрларга тааллуқлидир⁶. Аёллар томонидан ер, ҳовли-жой, дўкон каби кўчмас мулклар қатори пул маблағлари ҳам вақфга айлантирилган. Бу ҳолат аёлларнинг хайр-эҳсон ишларида илғор хатти-ҳаракатларини тасдиқлаш билан бирга тадқиқ этилаётган даврларда аёлларнинг хусусий мулкка эга бўлганликлари ҳамда мулквий муносабатларда иштирок этиш ҳукукидан фойдалана олганликлари билан ҳам изоҳланади.

Аёлларга мол-мулк асосан оталари, ака-ука каби яқин қариндошлари, шунингдек, турмуш ўртоқларидан мерос қолган. Шунингдек, оила аъзолари томонидан берилган *hiba* (ҳадя) ва *Sadaqa*⁷ ҳам мулкка эга

⁵ Ann Fay Mary. Women and Waqf P. 34.

⁶ Ушбу фоиз ва рақамлар ЎзР МДА 323-фондидаги вақф ҳужжатлари асосида тахминан ҳисобланди. Айрим вақф мулкларининг вақфномаси йўқолган бўлиб, улар ҳақида бошқа ҳужжатлар, масалан, “олди-сотди” ҳужжатларида вақф қилингани қайд этилган.

⁷ Shatzmiller Maya. Women and Property Rigths ... P. 227.

бўлишнинг муҳим йўлларида хисобланган. Бундан ташқари, никоҳ вақтида эр зиммасига вожиб қилинган мулк маҳр сифатида ажратилган⁸.

Одатда аёллар вақф мулкларини эркак вакил орқали таъсис этганлар. Аёлларнинг номларидан асосан, уларнинг биродарлари, ўғиллари, турмуш ўртоқлари, шунингдек, гузар (ёки мавзе) оқсоқоли қозихонага келиб вакил сифатида иштирок этган. Вакиллик ваколат берувчи [воқифа]нинг розилигини “эшитган” икки нафар гувоҳларнинг шохидлиги билан тасдиқланиб, вақф ҳужжатларида қайд қилиб борилган. Масалан, 13 сентябрь, 1909 йилда (28 шаъбон, 1327) Бухоро шаҳри қозихонасида қайд этилган вақф ҳужжатида кўра, Зуҳраой Жўрабек кизи ўзининг шаръий вакили Қори Мир Бақо Қори Мир Асомиддин ўғли орқали ўзига тегишли бўлган ҳовлисини Бухоро шаҳридаги Ҳожи Омонбой гузарида жойлашган мактабхона, таҳоратхона ҳамда Ражаб оий хатми учун вақф қилган⁹.

Шунингдек, вақф ҳужжатлари тахлили аёлларнинг ҳеч қандай вакилсиз бевосита ўзлари қозихонада расмийлаштириш жараёнларида иштирок этган ҳолатлари ҳам кўплаб учраганлигини кўрсатади. Масалан, 19 июнь – 18 июль, 1909 йилда (жумодус соний, 1327) тузилган ҳужжатга мувофиқ Шарофат Бегим исмли аёл Бухоро шаҳри қозихонасига келиб ўз ҳовлисини Лаби Руди Модарихон гузари масжидига вақф қилганига иқдор бўлган¹⁰.

Гарчи вақфномалар аёлларнинг ёши ҳақида маълумот бермасанда, қозихонада ҳужжатлаштиришда бевосита ўзлари иштирок этган аёллар ўрта ва кекса ёшда бўлганлар, деган мулоҳазани билдириш мумкин. Бу ҳолатнинг жамият томонидан меъёрий ҳодиса сифатида қабул қилиниши эса, масаланинг ўзига хос жиҳати бўлиб, алоҳида аҳамиятга эгадир.

Вақфномаларни манбашунослик нукта-и назаридан тадқиқ этиш, шунингдек, уларда баён этилган мулк турлари ҳамда салмоғини таҳлил қилиш ўрганилаётган даврда аёлларнинг оиладаги, қолаверса, жамиятдаги ҳолати ҳақида маълумот олиш имконини беради. Жамиятнинг бой, обрўли хонадони вакиллари вақфномалари ўзининг ташқи белгиси, матни, муҳрларнинг кўплиги билан ажралиб турган ҳолда уларнинг исмлари олтидан “*Iffat-panāh*”, “*sa ‘ādat-pīshah*”, “*sakhāwat-andishah*” каби сифатларни қўшиб қайд қилиш ҳолати ҳам учрайди. Жумладан, 23 март – 21 апрель, 1909 йилда (рабиул аввал, 1327) Бухоро қозихонасида тузил-

⁸ Маҳр ҳақида батафсил қаранг: Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Кифоя. 2-жуз. Тошкент, 2015. 392-406-бетлар .

⁹ ЎзР МДА. И-323, 1-рўйхат, 326-йиғмажилд.

¹⁰ ЎзР МДА. И-323, 1-рўйхат, 315-йиғмажилд.

ган вақф хужжатида *‘aqīdat-wufūr* Мирзо Абдулғафур Ҳожи Мирзо ўгли *‘iffat-panāh* Акиқаой Мирзо Умар кизи номидан шаръий вакил сифатида *tuwakkil*ига¹¹ тегишли бўлган Бухоронинг Шимолийи Руддаги Файзобод мавзесида жойлашган 8 таноб¹² мулки хирож ерини воқифа қабридаги мақсурахонга вақф қилганига иқроп бўлган¹³. 26 март – 24 апрель, 1906 йилда (сафар, 1323) Бухоро шаҳри раиси маҳкамасида қайд этилган вақф хужжатида мувофиқ Биби Малиқаой Мурод Хўжа кизи Куллиёни Шаҳри Ислоҳ ҳамда Шимолийи Руддаги Даҳяи Ҳожи мавзеларида жойлашган жами 13 таноб мулки хурри холис¹⁴ ерини Масжиди Хўжаҳономи билан аталадиган Адоқ Рузхўжа мавзеидаги масжид фойдасига вақф қилган¹⁵. Ушбу хужжатлар исмлари қайд этилган мазкур воқифаларни ўзига тўқ ҳамда жамиятнинг обрўли қатлами вакиллари эканлигини кўрсатади. 16 январь – 13 февраль, 1907 йилда (зулҳижжа, 1324) қайд этилган хужжатга биноан эса, Қурбоной исмли аёл Бухоронинг Ҳожи Омонбой гузарида жойлашган ховлисини ушбу гузар масжидига вақф қилган¹⁶. Шу ўринда тадқиқ этилаётган даврларда Бухоро амирлигида жамиятнинг нафақат йирик бой, балки хайр-эҳсон қилишга имкони етадиган турли ижтимоий қатлами орасида ҳам мулкни вақфга айлантириш жараёни ниҳоятда орگانлигини таъкидлаш лозим.

Аёллар мутавалли сифатида

Бухоро амирлиги вақф мулкчилигида тадқиқ этилаётган даврларда аёллар нафақат воқифа, балки мутавалли сифатида ҳам фаолият олиб борганликлари вақф хужжатларида ўз аксини топган. Маълумки, мутавалли вақфнинг хўжалик ишлари билан шуғулланувчи масъул ходими ҳисобланиб, унинг мажбуриятларига воқиф томонидан қўйилган шартларга мувофиқ вақф мулкларини бошқариш, улардан келадиган даромадларни тақсимлаш каби функциялар кирган. Вақф мулкларига мута-

¹¹ *tuwakkil* – ваколатни ишониб топширувчи мижоз. Бу ўринда *tuwakkil* воқифа Акиқаой Мирзо Умар кизи.

¹² 1 таноб – 4097 кв.м. Бу ҳақда қаранг: Давидович Е. А. Материалы по метрологии средневековой Средней Азии. Москва, 1970. 128-бет.

¹³ ЎзР МДА. И-323, 1-рўйхат, 828-йигмажилд.

¹⁴ Мулки хурри холис ёки мулки хурр – солиқлардан озод ер. Бу ҳақда батафсил қаранг: Чехович О. Д. Бухарские поземельные акты XVI–XIX вв. // Проблемы источниковедения. IV. Москва, 1955. 237-242-бетлар.

¹⁵ ЎзР МДА. И-323, 1-рўйхат, 853-йигмажилд.

¹⁶ ЎзР МДА. И-323, 1-рўйхат, 322/1-йигмажилд.

валли тайинлаш аввало воқиф ихтиёридаги ҳуқуқ ҳисобланган. Одатда вақфнома расмийлаштирилаётган вақтда воқиф мутаваллини тайин этиб, ушбу лавозимнинг ўтиш тартибини ҳам белгилаб қўйган, бу эса ўз навбатида вақф хужжатида кўрсатиб ўтилган.

Воқифа аёллар томонидан тайинланган мутаваллиларнинг ижтимоий таркиби турлича бўлган. Вақфномаларда аёллар ўзларини, шунингдек, ўзларига яқин бўлган кишиларни, масалан, биродарларини, уларнинг авлодларини мутавалли бўлишларини зикр этганлар. Бундан ташқари, Бухоро шаҳри бош қозиси (*qāḍī al-quḍdāt*), вақф муассаси ходими (масалан, масжид имоми, мактабхона муаллими кабилар) ёки гузар оқсоқоли каби лавозим эгалари ҳам воқифалар томонидан мутавалли этиб тайинланганлар.

Эътиборли жиҳати шундаки, аксарият ҳолларда аёллар ўз ҳовли-жойларини вақф қилганларида “то ҳаёт эканлар” мутавалли сифатида уларни ўзлари бошқаришни шарт қилганлар. Бундан воқифа аёллар ўзлари истиқомат қилаётган ҳовлиларни вақф қилганлар, деган фикрга келиш мумкин. Жумладан, 21 август, 1895 йилда (29 сафар ойи, 1313) қайд қилинган вақфномага биноан Бибикой Абдул Каримбой қизи Бухоронинг Лаби Руди Модарихон гузаридаги ҳовлисини мазкур гузар масжидида Рамазонда Қуръон хатм қилиш учун вақф қилиб, мутавалли сифатида ўзини, вафотидан сўнг Мулла Шокир Мулла Рабиъ ўғли исмли шахсни, унинг вафотидан сўнг авлодларидан энг муносиби бўлишини шарт қилган¹⁷. Мазкур гузар масжиди фойдасига тузилган бошқа бир вақфномада Шарофат Бегим Мирмутоҳирбой қизи ҳовлиси вақфга айлантирилиб, воқифанинг ўзи, вафотидан кейин эса, масжид имоми мутавалли этиб тайинланган¹⁸.

Вақфномалар орасида воқифа аёл бошқа бир аёлни мутавалли сифатида тайин этгани хусусидаги хужжатлар алоҳида эътибога лойиқдир. 23 февраль – 24 март, 1917 йилда (жумодул аввал, 1331) максураҳон фойдасига тузилган вақф хужжатида кўра, воқифа Ҳамроҳой Абдулрахмонбой қизи вақфга айлантирган бир танобу j* мулки хирож ерига мутавалли этиб Ойжоной Абдулғаффорбой қизини тайинлаган¹⁹. 1912 (1330) йилда расмийлаштирилган вақфномага биноан эса, воқифа Ҳамроҳой Обидбек қизи дастлаб ўзини, сўнгра онаси Биби Комилани мутавалли сифатида тайинлаган. Бироқ кейинги хужжатда орадан 4 йил ўтиб, она

¹⁷ ЎЗР МДА. И-323, 1-рўйхат, 314-йиғмажилд.

¹⁸ ЎЗР МДА. И-323, 1-рўйхат, 315-йиғмажилд. Мазкур вақфнома ҳақида юкорида ҳам маълумот берилган.

¹⁹ ЎЗР МДА. И-323, 1-рўйхат, 427-йиғмажилд.

хамда кизнинг вафоти туфайли мазкур вақф Уста Фўлод исмли оқсоқол бошқаруви остига ўтганлигини кўриш мумкин²⁰.

Шу ўринда аёлларнинг вақф мулкларини бошқаришдаги фаолияти қай даражада амалда намоён бўлганлигини биргина вақфномалар орқали ёритиш мушкуллигини таъкидлаш лозим. Бу эса, ўз навбатида қўшимча тадқиқотларни талаб этади. Бироқ шуни қайд этиш лозимки, аёллар нафақат вақф мулкчилиги ҳақидаги назарий билимларга эга бўлганлар, балки вақф мулкларини тасарруф этиш ҳуқуқидан ҳам фойдалана олганлар.

Вақф объектлари²¹

Вақф ҳужжатлари тадқиқ этилаётган даврларда воқифалар орасида мулкларини мақсурахон, яъни вафот этганлар руҳига Қуръон тиловат қилувчи махсус қорилар (*maqṣūrah-khwānī*) фойдасига хайр-эҳсон қилиш етакчи ўринга чиққанини кўрсатади. Аксарият вақфнома шартларида мақсурахон қорилар душанба ва жума, айрим ҳолларда шанба кунлари воқифалар, уларнинг яқин марҳум қариндошлари қабрлари қошига келиб, Қуръондан “Мулк” ёки “Ёсин” сураларини тиловат қилишлари ҳамда савобини пайғамбар Муҳаммад Мустафо с.а.в. сўнгра воқифа, унинг аждодлари руҳларига бағишлашлари кераклиги қайд этилган. Баъзи воқифалар эса, мақсурахон қориларнинг қабр бошига келмасдан қаерда бўлсалар ҳам воқифа, унинг ота-боболари руҳига Қуръондан бирор оят ўқишлари лозимлиги шарти билан чекланганлар. Аҳамиятли жиҳати шундаки, воқифа аёллар вафот этишларидан аввалроқ нафақат ўзларининг, балки аждодларининг охиратлари ҳақида ҳам қайғуриб, доимий тиловатни таъминлашга ҳаракат қилганлар. Юқори табақа вакиллари шунингдек, қориларнинг мусулмонлар учун муқаддас саналган Ражаб ва Рамазон ойларида хатми Қуръон қилишларини ҳам қўшимча шарт сифатида жорий қилганлар.

Бундан ташқари, воқифалар масжид, мадраса сингари муассасалар фойдаси учун ҳам мулкларини вақфга айлантириб, жамиятнинг диний-маънавий ҳамда таълим тизимига ўз хиссаларини қўшганлар.

Шуни таъкидлаш лозимки, XIX аср охирларида Ўрта Осиё хонликлари, хусусан, Бухоро амирлигида Макка ва Мадина сингари муқаддас

²⁰ ЎзР МДА, И-323, 1-рўйхат, 417, 417/1-йиғмажилдлар. Reichmuth Philipp. Semantic Modeling of Islamic Legal Documents: A Study on Central Asian Endowment Deeds. PhD thesis manuscript. Martin-Luther-Universität Halle (Saale), 2010. P. 242.

²¹ Вақф мулклари фойдасига йўналтирилган объектлар назарда тутилган.

зиёратгоҳлар фойдаси учун мулкларни вақфга айлантириш анъанаси кенг ёйила бошлади. Бу жараён XIX асрларда минтақада темир йўллар курилиб, ҳаж қилиш имконияти тобора қулайлашгани билан ҳам изоҳланади²². Хукмдорлар, йирик бойлар қатори майда мулк эгалари ҳам ўз мулкларини мазкур шаҳарлар учун вақф қилганлар. Вақф қилувчилар орасида аёлларнинг ҳам учраши алоҳида эътиборга лойикдир. 2 июнь – 1 июль, 1916 йилдаги (шаъбон, 1334) вақфномада қайд қилинишича, Алломаой Мулло Нажмиддин қизи номидан кўп уйлик ҳовли Мадинаи Мунавварадаги бир нафар далоилхон – “Далоил ал-хайрот”²³ китобидан тиловат қилувчи қори фойдасига берилган²⁴. Мутавалли ушбу ҳовлини воқифанинг шартига асосан чамаси бир йилдан сўнг сотиб, ўрнига харид қилинган ерни Мадинага қайта вақф қилган²⁵.

Тадқиқ этилаётган даврларда аёллар томонидан вақфнинг асосан “вақфи хайри”²⁶ тури қўллаб-қувватланганлиги эътиборга лойик. Бу эса, аёлларнинг вақф қилишдаги мотивациялари эркакларникидан фарқли бўлганлигини кўрсатади²⁷. Ҳақиқатда мавжуд маълумотлар аёллар вақф масаласида унинг маънавий томонларига кўпроқ эътибор қаратганлар, деган тасаввур ҳосил қилади.

Вақфни ўз аҳли фойдасига вақф қилиш жараёни эса, ниҳоятда саноқли бўлиб, “вақфи хайри” билан аралашган ҳолатда учраган. Хусусан, Бухоронинг машҳур жўйбор шайхлари авлодидан бўлган *‘iffat-panāh* Хурабону *siyādat-panāh* Убайдуллоҳ Хўжа Жўйбори қизи номидан 22 март – 20 апрель, 1890 йилдаги (шаъбон, 1307) расмийлаштирилган вақфномага кўра, воқифа ўзининг мулки бўлган тегирмонни, 8 таноб бўлган мулки хурри холис ерини мақсураҳонга, Рамазон ҳамда Ражаб ойларида хатми Қуръон, шунингдек, Қурбон ҳайитида қурбонлик қилиш билан бирга биродари Мансур Хўжанинг авлодлари ҳамда синглиси Мусаммот Поччо Ойим учун вақфга айлантирган²⁸. Ушбу вақфни ҳам хайрий ҳам

²² Reichmuth Philipp. Semantic Modeling of Islamic Legal Documents ... P. 215-217.

²³ XV асрда Муҳаммад ибн Сулаймон Жазулий томонидан араб тилида ёзилган асар бўлиб, пайгамбар Муҳаммад Мустафо с.а.в. га бағишланган салавотлардан иборат. www.islom.uz.

²⁴ ЎзР МДА. И-323, 1-рўйхат, 1041-йиғмажилд.

²⁵ ЎзР МДА. И-323, 1-рўйхат, 1041/2-йиғмажилд.

²⁶ Вақфнинг хайрий турида вақф қилувчи [вақф мулкидан. Н. И.] кўпчилик фойдаланишни шарт қилади. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Кифоя. 3-жуз. Тошкент, 2015. 325-бет.

²⁷ Deguilhem Randi. The Muslim Woman as Creator ... P. 112.

²⁸ ЎзР МДА. И-323, 1-рўйхат, 869-йиғмажилд.

шахсий мақсадларни ўзида мужассам қилган “аралаш” турдаги вақф сирасига киради, деб ҳисоблаш мумкин.

Вақфномаларда мулклардан фойдаланиш шартлари ҳамда даромадлар тақсимоти

Ҳужжатлар таҳлилига кўра, Бухоро амирлигида тадқиқ этилаётган даврларда аёллар томонидан вақфга айлантирилган мулкларнинг тахминан 46.6 фоизи ер, 32.2 фоизи ҳовли-жой, 13.3 фоизи дўкон, 5 фоизи танга пуллар ҳамда 1.1 фоизи саройлардан иборат бўлган.

Одатда ер, дўкон каби вақф мулкларидан фойда олиш уларни ижарага бериш орқали амалга оширилган. Аксарият вақфномаларда ижарага бериш тартиби ҳамда ундан келадиган даромадлар тақсимоти муҳим шарт сифатида қайд этилган. Айримларида эса, фақатгина келадиган фойдани қандай тақсимлаш кераклиги кўрсатилган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳовли-жойларини вақфга айлантирилган аёлларнинг кўпчилиги кейинчалик ҳовлини фойда келтирадиган бошқа турдаги мулкка алмаштириш, яъни сотиб ўрнига ер ёки дўкон харид қилинишини вақфномада шарт сифатида қайд қилдирганлар. 13 сентябрь, 1909 йилдаги (28 шаъбон, 1327) вақфномага кўра, Зухраой исмли аёл Ҳожи Омонбой гузаридаги мактабхона, таҳоратхона ҳамда Ражаб ойида хатм қилиш учун вақфга айлантирилган ҳовлисини вафотидан сўнг мутавалли адолатли қийматда сотиб, ўрнига вақф қилишга муносиб ер ёки дўкон харид қилиб ундан келадиган фойдадан аввало ўзи ушр²⁹ олиб, қолганини беш қисмга бўлиб, 2/5 қисмини ушбу гузар мактабдорига, 2/5 қисмини таҳоратхонадорга тақсимлаши, қолган 1/5 қисмини эса, ҳар йили Ражаб ойида уч-тўрт нафар қори келтириб, хатми Қуръон қилдириши шарт қилинган³⁰. 31 июль – 29 август, 1916 йилдаги (16 шаввол, 1334) вақфномада ҳам Ҳамроҳой исмли аёл шерикликдаги ҳовлининг ўзига тегишли қисмини Ҳазрати Айюб гузари масжидига вақф қилиб, мутавалли ҳовлини сотиб, маблағига қайта вақф қилиш учун мос жойдан дўкон ёки обод ер сотиб олишини шарт қилган. Мутавалли вақфдан келадиган даромаддан биринчи навбатда ушр олиб, қолганини масжид имомига бериши, имом ўз навбатида ҳар шанба Ҳазрати Айюб [мозоридаги] воқифанинг қабрига келиб, “Мулк” сурасини ўқиб бахшида қилиши ҳам ҳужжатда кўрсатилган³¹. Ушбу каби ҳужжат-

²⁹ ушр – ўндан бир хиссани англатади.

³⁰ ЎзР МДА. И-323, 1-рўйхат, 326-йиғмажилд. Мазкур вақфнома ҳақида юқорида ҳам маълумот берилган.

³¹ ЎзР МДА. И-323, 1-рўйхат, 415-йиғмажилд.

ларнинг эътиборли жихати шундаки, воқифа аёллар вақф мулкларини “сотиш” каби баҳс-мунозарали ва нозик фикҳий масалани ўз шартларида қайд эта олганлар.

Бирок баъзи вақфномаларда бу ҳолга йўл қўймаслик қатъиян таъқиқланган. Хусусан, Шарофат Бегим томонидан масжид фойдасига вақф қилинган ҳовли-жойни мутавалли шаръий ижарага бериб, келадиган фойдани аввало мазкур ҳовлининг зарурий таъмирига ишлатиши, агар таъмирга муҳтож бўлмаса, ушбу масжид муаззинига бериши шарт қилинган. Воқифа томонидан ушбу вақфни ҳар қандай ҳолатда ҳам алиштириш (*яъни вақфни алиштириш ҳар қанча манфаатли бўлмасин*) мумкин эмаслиги алоҳида таъкидланган. Шунингдек, воқифа вафотидан сўнг мутавалли унинг бир дона бешгазлик ҳамда бир дона тўртгазлик гиламларини масжидга келтириб ёзиши ҳам кўрсатиб ўтилган³².

Шу ўринда табиий савол ҳам туғилади: нима сабабдан воқифалар аввалдан ҳовлиларни сотиб ўрнига бошқа мулк харид қилиб, вақфга айлантирмаганлар? Ёки нима сабабдан ўзлари истиқомат қилаётган ҳовли-жойларини вақф қилиб қолдирганлар? Хужжатларда кўрсатиб ўтилмаган бўлса-да, бунинг сабаби аёлларнинг оилавий ҳолати билан боғлиқ, деган мулоҳазани билдириш мумкин. Яъни ушбу воқифалар ёлғиз, фарзандсиз аёллар бўлиб, ўзлари истиқомат қилаётган ҳовли-жойларини нафақат мулкларини хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, балки вафотларидан кейин келиб чиқиши мумкин бўлган турли низоларнинг омили бўлиб қолмаслиги учун ҳам вақф қилган бўлишлари эҳтимолдан холи эмас.

Бухоро амирлигида пулни вақф қилиш қўшни Хива хонлигидек кенг тарқалмаган бўлса-да³³, амалиётда қўлланилган. Ушбу амалиёт вақф қилинган пул маблағига ер, дўкон каби кўчмас мулк турларини сотиб олиш тарзида намоён бўлган. Пул вақфининг таъсисчилари орасида эса, аёлларнинг номлари ҳам зикр этилган вақфномалар учрайди. Масалан, 2 июнь – 1 июль, 1916 йилги (шаъбон, 1334) вақфномада *sa'ādat-pīshah, sakhāwat-andīshah* Ризвон Бегим Мулло Абдулвосиъ Оксокол қизи 10 минг сўм нақд маблағини Ҳазрати Файзобод тепалигида воқифа учун тайёрлаб қўйилган қабр мақсурахони, гўрхона хужраси, Рамазон ойи хатми, шунингдек, Куйи Мўрғаш гузари масжиди фойдаси учун вақф

³² ЎзР МДА. И-323, 1-рўйхат, 315-йиғмажилд. Мазкур вақфнома ҳақида юқорида ҳам маълумот берилган.

³³ Хива хонлигида пул вақфи амалиёти ҳақида батафсил қаранг: Якубов Қ.К. XIX асрнинг II ярми – XX аср бошида Хива хонлигида вақф институти (Тарихий-манбашунослик таҳлили). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори... диссертация. Тошкент, 2018. 123-136-бетлар.

қилиб, мутаваллига ушбу маблағга ҳосилдор ер харид қилиш кераклиги ҳақида кўрсатма берган. Шунингдек, вақфномада мазкур ердан ҳар қанча фойда келса, қуйидаги тарзда тақсимланиши қайд этилган:

Аввало мутаваллининг ўзи ушр олиб, қолганини 10 га бўлиб		
1/10 қисм	гўрхона хужрасида истиқомат қилувчиларга	
2/10 қисм	1/3 қисм	сомеъ қорига ³⁴
	2/3	хатм қилувчи қорига
Рамазон ойининг охириги 10 кунда ушбу масжидга келиб, Тарових вақтида хатми Калом қилиб, савобини воқифа, унинг авлод-аждодлари руҳига бахшида қилишлари учун		
1/10 қисм	хатм харажати учун	
2/10 қисм	имомга	хар жума ва душанба кечки вақт Қуръондан бирор оят ўқиб савобини юқорида келтирилган тариқада бахшида қилишлари учун
1/10 қисм	муаззинга	
2/10 қисм	масжиднинг 3 та хужрасида яшовчиларга	
1/10 қисм	масжидни ёритишга	

Вақф мулклари даромадидан юқорида қайд этилганидек, ушбу вақф йўналтирилган объект ва у билан боғланган бир гуруҳ фойдаланувчилар (*бенефициарлар*) ўз ҳиссаларини олганлар. Бу эса, масалани ижтимоий контекстда кўриш имкониятини яратади, яъни вақф таъсис этувчилар бошқа кишилар билан муносабатларга киришиб, ўзига хос ижтимоий тармок ҳосил қилганлар.

Хулоса сифатида шуни қайд қилиш мумкинки, XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида аёллар Бухоро амирлиги вақф мулкчилигида муносиб фаолият олиб борганлар. Масаланинг аҳамиятга молик тарафи шундаки, аёллар вақф мулкчилиги ҳақидаги назарий билимларга эга бўлибгина қолмай, балки ушбу билимларини амалда ҳам қўллаганлар. Улар ўзларининг хусусий мулкларига эга бўлиб, бу орқали жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаётига ўз ҳиссаларини қўшганлар. Воқифалар орасида ижтимоий жиҳатдан турли қатлам вакилаларининг мавжудлиги бу даврларга келиб вақфнинг жамият учун муҳим институт ҳамда йирик механизм сифатида шаклланганлигини ҳам англатади.

³⁴ сомеъ қори – асосий қори Қуръон ўқиётганда адашиб кетганда айтиб турувчи қори.

Н. ИСМАТОВА

**ХІХ АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – ХХ АСР БОШЛАРИДА
БУХОРО АМИРЛИГИ ВАҚФ МУЛКЧИЛИГИДА АЁЛЛАР
ФАОЛИЯТИ**

Ушбу мақола ХІХ асрнинг иккинчи ярми – ХХ аср бошларида Бухоро амирлиги вақф мулкчилигида аёллар фаолияти тарихига бағишланган. Унда аёлларнинг вақф мулкларини таъсис этиши, мутавалли сифатидаги ўрни, вақф мулклари даромадлари тақсимооти каби масалалар вақфнома-лар асосида ёритилган.

Калит сўзлар: Бухоро амирлиги, вақф, вақфнома, воқифа, вакил, муваккил, мутавалли, мулк, мусулмон, мақсураҳон, масжид, гузар, даромад.

Н. ИСМАТОВА

**ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ЖЕНЩИН В ВАКУФНОЙ
СОБСТВЕННОСТИ В БУХАРСКОМ ЭМИРАТЕ
ВО ВТОРОЙ ПОЛОВИНЕ ХІХ – НАЧАЛЕ ХХ ВВ.**

Статья посвящена изучению деятельности женщин в управлении вакуфным имуществом в Бухарском эмирате во второй половине ХІХ – начале ХХ вв. В ней, на основе вакуфных документов рассмотрены некоторые процедуры, связанные с учреждением вакуфных имуществ от имени женщин, анализируется роль женщин как мутавалли (управляющего) и распределения доходов.

N. ISMATOVA

**WOMEN'S ACTIVITY IN THE BUKHARAN EMIRATE
WITHIN WAQF IN THE SECOND HALF
OF 19TH – EARLY 20TH CENTURIES**

The article is devoted to the history of women's activity within waqf in the Bukharan emirate in the second half of 19th – early 20th centuries. In particular, the article on the basis of waqf documents illustrates some questions about foundations of waqf properties by women, women's role as a trustee and divisions of waqf incomes.

С. МУҲИДДИНОВ

XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА САМАРҚАНД
ВИЛОЯТИ МАДРАСАЛАРИНИНГ ВАҚФ ДАРОМАДЛАРИ
ВА УЛАРНИНГ БОШҚАРУВИ

XIX аср охири XX аср бошларидаги маълумотларга кўра, бутун Туркистонда бўлганидек, Самарқанд вилоятида ҳам мадрасаларнинг асосий вақф мулкларини ҳосилдор майдонлар, дўконлар, карвонсаройлар, ҳаммомлар ташкил этган. Самарқанд шаҳрида жойлашган мадрасалар вақф ерларининг бир қисми Бухоро амирлиги ҳудудида жойлашган. Мадрасага ким асос солган бўлса, у ўз тасарруфидаги мулкни мадраса вақфига берган. Бу эса ўз навбатида мазкур даврга келиб, ушбу вақф мулкни назорат қилишни қийинлаштирарди. Масалан, 1869 йилдан бошлаб Самарқанддаги Хўжа Аҳрор мозори *мутавалли* (вақф мулкига ва ундан келадиган даромадга васийлик қилувчи, уни тақсимловчи диний амалдор) га Қарши беклиги атрофидаги мулкларидан фойдани йиғишга рухсат берилмаган. Хўжа Аҳрор мозори ва унинг қошидаги мадрасага Бухоро амирлиги девонбегиси Нодир девонбеги асос солган бўлиб, асосий вақф мулклари амирлик ҳудудида жойлашган. Фақатгина жиддий огоҳлантириш асосида Самарқанднинг бош мадрасалари ҳисобланган Шердор ва Тиллақори *мутаваллисига* ўз Бухоро амирлиги ҳудудидаги мулкларидан даромад йиғиш учун шартли равишда рухсат берилган¹. Булардан кўзланган асосий мақсад ўлкани руслаштириш эди. Вақф мулкларининг назорат масаласига ва таълим тизими билан боғлиқ XIX асрнинг 80–90-йилларига оид қимматли маълумотлар номаълум сабабларга кўра йўқолган². Вақф хирожига эга биргина мадраса Хўжанддаги Шоҳи мадрасаси бўлиб, унинг хирож даромадини оладиган қишлоғи Фарғона вилояти Қўқонд уездига қарашли бўлган³.

“Туркистондаги мадрасаларнинг катта мударрисларига берилган вазифалар бўйича Низом”нинг 9 бандига асосан, ҳар йили февраль

¹ Бартольд В. В. Общие работы по истории Средней Азии / Сочинения. Том 2, Часть 1. М.: Изд. Восточной литературы, 1963. 297-бет.

² Тухтабеков К. А. Отчеты Куна о вакуфах в Самаркандской области // Самарқанд ҳудуди тарихи ва маданияти манбашунослиги. Республика конференцияси материаллари. Самарқанд, 2008. 143-146-бетлар.

³ ЎзР МДА. И-455. Р-1. Ҳ-1. Варақ-10.

ойининг бошида, олдинги ўқув йили учун вақф мулкларининг ҳолати миқдори ва улардан келадиган даромад ҳақида мунтазам маълумотлар сўралган (мадраса бош мударрисидан – М. С.)⁴. Барча мадрасаларнинг вақф даромадлари ва уларнинг тақсимланиши батафсил кўрсатилган. Хўжанд ва Ўратепа вақф мулкларида суғориш тизимидаги муаммолар сабаб, мадрасаларга қарашли экин майдонларининг аҳволи оғир эди. Асосий даромад ариқ ва тегирмонлардан келарди.

Вилоятдаги мадрасаларнинг умумий даромади ва унинг манбаларига тўхталадиган бўлсак, Самарқанд вилоятидаги мадрасаларнинг вақф мулкларидан оладиган умумий даромади – 28555 (100 %) рублни ташкил этиб, Самарқанд шаҳар мадрасаларига 18372 рубл (64 %), Хўжанд шаҳри мадрасаларига 4936 рубл (17 %), Каттақўрғон шаҳри мадрасаларига 1060 рубл (3,5 %), уезд ҳудудларда⁵ 18 та мадраса даромади 4187 рубл (15,5 %)ни ташкил қилган⁶. Вилоятдаги мадрасалар вақф даромадининг катта қисми Самарқанд шаҳрига тўғри келиб, шаҳардаги 25 та мадрасадан келадиган йиллик даромад умумий даромаднинг 64 фоизини ташкил этган.

Вилоятда даромади 2000 рублдан кўпроқ вақф мулкига эга мадрасалар 12 та (21 %), 1000 рублдан 2000 рублгача даромадли мадрасалар 7 та (12 %), 500-1000 рубл даромадли мадрасалар 6 та (10 %), 100-500 рубл даромадли мадрасалар 22 та (38 %), 1-100 рубл даромадли мадрасалар 11 тани (19 %) ташкил қилган. Умуман вақф даромади бўлмаган 9 та мадраса ҳам фаолият кўрсатган⁷. Юқорида келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, вақф мулкига эга Самарқанд вилоятидаги мадрасаларнинг асосий йиллик даромади 100 рублдан 1000 рублгача бўлган. Даромадлари бўлмаган мадрасаларга ҳар йили мадраса жойлашган ҳудуддаги бирор бир киши олган ҳосилининг бир қисмини эҳсон қилган. Ушбу вақф даромадлари анъаналарга ва вақф ҳужжати асосида тақсимланганлиги манбаларда алоҳида қайд этилади.

Архив маълумотларида вақф мулкларидан келадиган даромад билан бирга мадраса мударрислари ва ходимларига бериладиган иш ҳақи ҳам

⁴ ЎзР МДА. И-47. Р-1. Ҳ-396. Варақ-3.

⁵ Тадқиқотчи А. Маликов ХХ аср бошларида Самарқанддаги мадрасаларнинг умумий сонини “Ойна” журнали маълумотларига таянган ҳолда 19 та келтирган (Қаранг: Маликов А. Преподаватели медресе Самарканда в начале XX) века: дискуссии о реформах / Ўрта асрлардаги Самарқанд мадрасан олияларининг ислом цивилизацияси ва таълим тизимининг таракқиётидаги роли. Халқаро илмий конференция материаллари. Самарқанд, 2017. 38-бет.

⁶ ЎзР МДА И-455. Р-1. Ҳ-1. Варақ-9.

⁷ ЎзР МДА. И-455. Р-1. Ҳ-1. Варақ-12.

анчайин батафсил келтирилади: вилоятдаги Каттакўрғон шаҳар Накиб мадрасасида вақф мулкларидан олинган даромад 400 рубл бўлганлиги, Шердор ва Тиллакори мадрасаларининг бир йиллик даромади 9150 рубл бўлганлиги қайд этилади⁸. Бундан Тиллакори мадрасасиники 4440 рубл, шундан мутаваллига 444 рубл, мадрасани таъмирлашга 691 рубл, (Мадраса таъминоти келтирилган жумлада, фақатгина мадрасани таъмирлаш билан боғлиқ ҳолат кўзда тутилган бўлиб, бошқа харажатлар, яъни, ўқув жараёнини такомиллаштириш, адабиётлар билан таъминлаш, ўқув жиҳозлари билан таъминлаш тўғрисида айнан маълумот учрамайди – М.С.) 401 рублдан икки мударрисга 802 рубл, имомхатибга 36 рубл, имомга 72 рубл, муаззинга 18 рубл ва талабаларга тахминан 20-22 рублдан маош берилган (Тиллакори мадрасаси талабаларнинг қайси босқичда таълим олишига қараб нафақа тўланган бўлиб, қуйи босқич талабалари йилига 10 рублдан ҳам камроқ нафақа олган – М.С.). 1892-1893 йилги маълумотлар билан солиштирганда Тиллакори ва Шердор мадрасаларининг вақф мулкларидан келадиган даромади 8000 рублни ташкил этган⁹. Бу ҳол олдингисига нисбатан 1000 рублдан кўпроқ ҳисобланади. Вақф мулклари камайган бўлса-да, даромад ошган. Бунга таъсир кўрсатган асосий сабаб пулнинг қадрсизланиши бўлганлиги эҳтимоли юқори. Шунингдек, пахта экин майдонларининг кўпайиши (экин майдонларидан келадиган ижара ҳақи ошган) ҳам даромаднинг ошишига сабаб бўлган.

1910 йилда Шердор ва Тиллакори мадрасалари вақф ерларидан 16000 танга ва бино ижараларидан 5400 танга даромад олишган. Мадраса мутаваллисига 1600 танга (умумий даромад 10 дан бир қисм), мударрис 1416 танга, имом 240 танга, муаззин 120 танга, фаррош 150 танга, сувчи мироб 150 танга, сартарош 200 танга, 60 та хужрага 4560 танга ўртача 76 тангадан ва бошқа харажатлар учун 786 танга маблағ ажратилган. Қолган 6778 танга Тиллакори мадрасасига тегишли бўлиб, мударрисга 887 танга, фаррошга 200 танга, сартарошга 100 танга, 60 та хужрага 2640 танга, ҳар бирига 44 тангадан жами 5400 танга тақсимланган¹⁰.

Самарқанд мадрасалари даромадини бошқа минтақалар, жумладан, Фарғона вилояти мадрасалари даромади билан солиштирганда анча паст эканлигини кузатиш мумкин. Масалан, Қўқон шаҳридаги Мингойим мадрасасида 120 нафар талаба таҳсил олган бўлиб (50 та хужрада), йиллик даромади 7670 рублни ташкил этган. Қўқондаги Мадалихон

⁸ ЎзР МДА. И-188. Р-1. Ҳ-175. Варақ-27. (Бу ҳар иккала мадрасанинг асосчиси ва вақф мулки умумий бўлган)

⁹ ЎзР МДА. И-455. Р-1. Ҳ-1. Варақ-11.

¹⁰ ЎзР МДА. И-181. Р-1 Ҳ-103. Варақ-3.

мадрасасида 27 та хужрада 150 нафар таҳсил олиб, йиллик даромад 7660 рублни ташкил этган. Айни шаҳардаги 99 хужрали Султон Муродбек мадрасасининг йиллик даромади 7000 рублни ташкил этган. Мадрасаи Алида эса йиллик даромад 5000 рублни ташкил этган (150 талаба таҳсил олган)¹¹. Самарқанд мадрасалари даромадларининг камайиши ва натижада талабаларга тўланадиган нафақанинг кескин тушиб кетиши ўқувчиларни Фарғона вилояти мадрасаларига кетиб қолишига сабаб бўлган. Бу даврда Фарғонада пахтачиликнинг ривожланиши вақф даромадларининг кўпайишига олиб келган ва Самарқанд вилоятидаги мадрасалар фаолиятига нисбатан салбий таъсир этган.

Самарқанд шаҳри мадрасалари даромадига қайтсак. Баъзи мадрасаларнинг даромади кескин ошган. Масалан, 1915 йилдаги маълумотларга кўра, Шайбонийхон (Самарқанд шаҳри) мадрасасига вақф мулкларидан келган даромад 4314 рублни ташкил этган¹² бўлса, баъзиларининг даромад манбаи тўхтаб қолган. Жумладан, Юсуфбой мадрасаси (Самарқанд шаҳри) мударриси Мулла Яҳёкул Хожа Абдурахмонов 1913 йилдан бери вақф мулкларидан даромад олмаётганлиги боис уни Тиллакори мадрасаси 2-мударриси этиб тайинлашни сўраб қилган мурожаатномаси келтирилган¹³. Демак 1915-1916 йилларга келиб, кўплаб мадрасалар сингари, ушбу мадрасада ҳам вақф мулклари камайиб даромад келтирмай қўйган.

Самарқанд вилоятидаги баъзи мадрасаларда талабалар таҳсил олмаган бўлса-да, мадраса тасарруфидаги вақф мулкларидан даромад олинган. 1916 йилдаги маълумотларга кўра, Самарқанд шаҳридаги Мулла Рофеъ мадрасасининг вақф мулкларини тақсимотидан норозилик келиб чиққанлиги ва текширувлар натижасида 1913 йилда 420 рубл, 1914 йилда 415 рубл, 1915 йилда 717 рубл даромад қилинганлиги аниқланган. Лекин мадрасада на мударрис на бирорта талаба ўқимаслиги аниқланган¹⁴.

Самарқанд шаҳридаги Орифжонбой мадрасасининг 1914 йилдаги вақф мулкларидан келган даромади 2960 рубл бўлиб¹⁵, у қуйидагича тақсимланган: мутаваллига 296 рубл, таъмир учун 468 рубл, мударрисга 549 рубл, қолган қисми имомга, муаззинга, сартарошга ва 30 та хужрада яшовчи талабалар орасида тақсимланган. Ушбу даврда (1915 йил – М. С.) мударрис Мулла Тўрахўжа Мўминхўжаев бўлганлиги ҳисоботларда қайд этилган.

¹¹ ЎзР МДА. И-47. Р-1. Ҳ-328. Варақ-22.

¹² ЎзР МДА. И-181. Р-1. Ҳ-175. Варақ-30.

¹³ ЎзР МДА. И-188. Р-1. Ҳ-175. Варақ-48.

¹⁴ ЎзР МДА. И-188. Р-1. Ҳ-175. Варақ-55.

¹⁵ 1892-1893 йилларда мазкур мадрасанинг умумий йиллик даромади 1500 рубл эканлиги қайд этилади (Қаранг: ЎзР МДА. И-455. Р-1. Ҳ-1. Варақ-13).

Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон шаҳридаги Накиб мадрасаси 1914 йилда вақф мулкларидан 1034 рубл даромад олган (1892-1893 йилларда 1060 рубл) ва вақф ҳужжатларига кўра қўйидагича тақсимланган: Мутаваллига – 105 рубл 5 тийин, мударрисга 222 рубл, хатибга 13 рубл 50 тийин, имомга 25 рубл 50 тийин, муаззинга 25 рубл 50 тийин, қоровулга 45 рубл ва қолган 597 рубл 45 тийин 32 та ҳужрада таҳсил олаётган талабалар ўртасида тақсимланган. 4 февраль 1915 йилда ушбу мадраса мударрис сифатида Мулла Абдуқодир Муҳаммад Шокиров фаолият кўрсатган¹⁶.

Самарқанддаги мадрасалар вақф мулклари тасарруфида ижарага бериладиган экин ерлар (экин майдонлари ва суғорилмайдиган – М. С.) бўлган. 1892-1893 йилларда вилоятдаги мадрасалар фаолиятини ўрганган В. П. Наливкин маълумотларига кўра, вилоят мадрасалари вақф мулклари тасарруфида жами 2831 десятинадан¹⁷ кўпроқ (бу фақат архив ҳужжатларида келтирилган ва аниқлангани – М. С.) ер, 28 та ариқ билан суғориладиган бир қанча сувли ерлар, 200 таноб¹⁸ боғ ва 6 та ариқ, 255 та катта дўкон, 396 та кичик дўконлар учун жой, 9 та карвонсарой, 4 та карвонсарой учун жойлар (одамлар карвонсаройларни қурган ер учун ижара берган – М. С.), 6 та вақф тегирмонлари, 2 та дон омборлари бўлганлиги қайд этилади. Вилоятдаги вақфнинг йиллик айланма маблағлари 600 рублни ташкил этган¹⁹. Мадрасаларнинг асосий даромад манбаи моддий ашёлар, ер майдонлари кўринишда бўлиб, нақд пул маблағлари кам бўлган. Нақд пул вилоятда Хўжанд шаҳридаги Мир Ашурбой мадрасасида 400 рублни, Хўжанд шаҳридаги Мулло Муҳаммад Собир мадрасасида 200 рублни ташкил этган ва бу пуллар мадраса мутаваллисида сақланган. Солиштириш учун Фарғона вилояти вақф мулклари нақд пул маблағи бу даврда 6680 рублни ташкил этганлиги²⁰ Самарқанддаги нақд пул кўринишдаги вақф маблағининг бошқа вилоятларга нисбатан анча паст эканлигини кўрсатади.

Мадрасада фаолият кўрсатган мударрис, мутавалли ва талабалар маълум миқдорда маош олган. Масалан, Мударрислар энг кўпи 645 рубл

¹⁶ ЎзР МДА. И-181. Р-1. Ҳ-189. Варақ-132.

¹⁷ Метрик ўлчов тизими қабул қилингунга қадар Россияда қўлланилган асосий юза ўлчови. 2400 кв. саржин (1,09 га) га тенг. XVIII аср охири – XIX аср бошида хўжалик десятинаси қўлланилиб, у 3200 кв. саржин (1,45 га) га тенг бўлган (Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент: ЎМЭ, 2002. Том 3. 267-б.)

¹⁸ Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида қўлланилган узунлик ўлчов бирлиги. XVII асрда киймати 39,9 метрга тенг бўлган (Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент: ЎМЭ, 2004. Том 8. 263-б.)

¹⁹ ЎзР МДА. И-455. Р-1. Ҳ-1. Варақ-17-25.

²⁰ ЎзР МДА. И-47. Р-1. Ҳ-328. Варақ-45-53.

(Шердор мадрасаси), Шердор мадрасаси мутаваллиси 430 рубл, Хўжанд уезди Бобохўжа мозори қошидаги мадраса мударриси 9 рубл маош ҳисобига ишлаганлиги қайд этилади. Самарқанд шаҳридаги Халифа Ҳасан мадрасаси мутаваллиси 1 рубл (вилоятда энг кам) маош олган бўлиб, вилоятдаги 21 та мадраса Мирзо Пўлат (Самарқанд шаҳри), Хонақохи Зомини (Самарқанд шаҳри), Кўк масжид (Самарқанд шаҳри), Мулла Назар (Самарқанд шаҳри), Орифбой (Ургут), Гиштин (Хўжанд), Хожа Амин (Хўжанд), Мулло Муҳаммад (Хўжанд), Ширбой (Хўжанд), Намозгоҳ (Хўжанд), Бозори Асп (Хўжанд), Ўратепа гумбаз (Хўжанд уезди), Рустамбек (Хўжанд), Намозгоҳ (Хўжанд уезди), Саидғози (Хўжанд уезди), Эгамберди (Хўжанд уезди), Масжиди Охунон (Хўжанд уезди), Самарқанд дарвоза (Жиззах шаҳри), Тошкентлик маҳалласидаги мадраса (Жиззах шаҳри), Хожа Қаҳҳори Вали мозори қошидаги мадраса²¹ мутаваллиси маош олмаган.

Ушбу мадрасаларнинг аксариятида вақф мулклари жуда кам бўлган. Кўпчилигида вақф мулклари бўлмаган. Мадрасалар асосан хайру эҳсонлар ҳисобидан кун кўрган. Бу эса сўзсиз мадрасалардаги ўқув жараёнига салбий таъсир кўрсатган. Мазкур мадрасаларда талабалар сони кам бўлган. Айримларида умуман талаба таҳсил олмаган. 34 та мадрасадаги 1228 та талабага дарс берган 43 та мударрислар 6650 рубл маош олган, бу рақамларни ўртача олиш қийин, сабаби мадрасалар вақф даромадлари орасида фарқ улкан бўлган²². Масалан, Шердор ва Тиллакори мадрасаларининг бир йиллик даромади 9150 рубл бўлганлиги қайд этилади. Бунга сабаб вақф мулкларидаги экин майдонлари асосан суғорилмайдиган – лалмикор ерлар бўлганлиги боис, даромад келтирмаган. Бундан мударрислар жуда кам қафолатланган маош эвазига талабаларга таҳсил берганлиги маълум бўлади.

Талабаларга бериладиган нафақа масаласига келсак, ушбу нафақа меъёрлари ҳам мадраса вақф даромадлари билан боғлиқ эканлиги кўзга ташланади. Жумладан, талабаларга бериладиган ҳар бир ҳужрага (Ҳар бир ҳужрада 1 ёки 3 нафар талаба истиқомат қилган – М. С.) энг кам нафақа пули 2 рублни (Самарқанддаги Мирзо Пўлат мадрасаси) ва энг кўпи 70 рублни (Шоҳи Зинда мадрасаси) ташкил этганлиги мадраса

²¹ ЎзР МДА. И-455. Р-1. Ҳ-1. Варақ-17-27.

²² Вилоятдаги 58 мадрасанинг 34 тасида фаолият кўрсатган 43 та мударрислар маош олганликларини кўрамиз. 57 мударрис фаолият кўрсатган 24 мадрасада таълим жараёни фақатгина муллалардан олинган хайр-эҳсон ҳисобидан молиялаштирилган – М. С. (Қаранг: ЎзР МДА. И-188. Р-1. Ҳ-175. Варақ-27), Халифа Ҳасан ва Мирзо Пўлат мадрасаларининг йиллик даромади (1892-1893 йиллар) ҳар бирида 10-12 рублни ташкил этган (Қаранг: ЎзР МДА. И-455. Р-1. Ҳ-1. Варақ-23).

вақфлари билан боғлиқлигида кўринади. Самарқанд вилоятида жами 1892-1893 ўқув йилларида 1872 талаба тахсил олган бўлса, улардан 609 нафари (умумий талабаларнинг 30 % дан кўпи) нафақасиз ўқиган²³.

Зарафшон округи бошлиғи генерал-майор А. К. Абрамов мадрасаларга, уларнинг вақф мулкларини тартибга солишга эътибор қаратган. Самарқанд вилояти бошқаруви ҳужжатларига кўра, 1873 йилдан бошлаб (Зарафшон округи бўлган) Самарқанд шаҳридаги энг катта Тиллакори, Шердор ва Мирзо Улуғбек мадрасаларининг вақф мулклари мадраса мутаваллилари томонидан эмас, балки рус ҳукумати томонидан ижарага берилган. Руслар албатта биринчи навбатда бу улкан даромадни назорат қилиш учун уларни ижарасини ўз зиммасига олганлиги аниқ, лекин В. П. Наливкин бу жараёни мадраса мутаваллилари томонидан вақф даромадаларини тақсимлашда йўл қўйилган хиёнатнинг олдини олиш учун хизмат қилганлигини қайд этади.

1873 йилда Шердор ва Тиллакори мадрасалари вақф мулкидан 9800 рубл, Мирзо Улуғбек мадрасаси ерларидан 564 рубл ўртача ижара даромади олинган. Зарафшон округи девонхонаси ҳужжатларига кўра, генерал-майор А. К. Абрамовнинг ушбу мадрасалар бошқарувини мутаваллилардан ўз қўлига олишига сабаб, мадраса талабаларининг А. К. Абрамовга мутаваллининг вақф даромадларини нотўғри тақсимлаётганлигини айтиб арз қилганлигида деб кўрсатилган²⁴.

Мадрасаларда муллалар ўртасида вақф даромади уларнинг ўқиётган босқичига (*адно, авсат, аъло*) қараб ҳар бирларига эмас, ҳар бир ҳужрага қараб тақсимланган. 1873 йилда ҳукумат вақф даромадларини ўз назоратига олгач, ушбу мадрасалардаги мутаваллилар, мударрислар ва талабаларнинг аниқ сонини олади ва вафот этган Тиллакори мадрасасидаги бир мударрис, Мирзо Улуғбекдаги икки мударрис маоши, бўш хужралардаги талабалар маоши жами Тиллакори ва Шердор мадрасаларидан 2715 рубл 34 копейк Мирзо Улуғбек мадрасасидан 136 рубл маблағ Самарқанд ғазначилигига ушбу мадрасаларнинг келгусидаги таъмирлаш ишлари учун депозит сифатида ўтказилади.

1874 йилда Зарафшон округи бошлиғи буйруғига (17 июнь №2820) кўра, вақф ерларини ижарага бериш ҳуқуқи мутаваллиларга эмас уезд бошлиқларига берилади. Мадрасалар даромадининг ортган қисми бўш ўринлардан шаҳар ғазнаси ҳисобига кейинчалик ўша мадрасалар таъминоти учун депозитга қўйилиши ҳақида кўрсатма берилади²⁵. Амал-

²³ ЎзР МДА. И-455. Р-1. Ҳ-1. Варақ-17-27.

²⁴ ЎзР МДА. И-455. Р-1. Ҳ-1. Варақ-9-13.

²⁵ ЎзР МДА. И-455. Р-1. Ҳ-1. Варақ-10.

да ушбу депозитдаги маблағларнинг катта қисми Самарқанднинг янги шаҳар қисмини қуриш ва таъминоти учун сарфланган.

Подшо Россияси ҳукуматининг Самарқанддаги ҳукмронлигининг дастлабки йилларида ҳукумат вакиллари мадрасалар вақф мулклари ҳақида маълумотлари бўлмаганлиги боис мадраса вақфларини тўлиқ назорат қила олмаган кўринади. Фақатгина 1876 йилдан бошлаб Зарафшон округида хирож²⁶ (Ер майдони бирлигидан ундирилган, ернинг сифати ва суғориш усулига қараб ҳосилнинг 1/4, 1/3 ёки 1/2 қисми ҳажмида ундирилган. Подшо Россияси Туркистонни босиб олгандан кейин бу ерда ҳам хирожни натура ўрнига пул билан йиғиш расм бўлган) ва таноб²⁷ солиқларини йиғимларини поземельный сбор (сўзма-сўз “ердан олинган йиғим”) билан алмаштирилади ва барча вақф ерлари назорати уезд маъмурларининг қўлига ўтказиш ҳақидаги 1876 йил 29 майдаги 65 сонли буйруғига асосан вақф ерлари миқдорини ва даромадини аниқлаш бўйича алоҳида махсус комиссия тузилади²⁸.

1878 йилдан бошлаб расман Зарафшон округидаги барча вақф ерлари рус маъмурлари бошқарувига ўтди. 1878 йил 30 апрелда Зарафшон округи бошлиғининг 45-сонли буйруғи билан барча уезд ва бўлим бошлиқларига улар бошқарувидаги вақф ерлари даромадларидан 100 рублдан кам даромад оладиган мадрасалардан 8 %, 100 дан 500 рублгача даромад оладиганларидан 10 %, 500 рублдан кўп даромад оладиган мадрасалардан 15 % миқдордаги маблағ шаҳар даромади сифатида Подшо Россияси ғазнасига депозит сифатида ўтказилган²⁹.

Бундай ҳолатдаги мадрасалар даромадларининг ноўрин сарфланиши Самарқанд вилояти ҳарбий губернатори генерал-лейтенант граф Н. Я. Ростовцов (1891-1897) томонидан тартибга солинган. 1878-1884 йиллардаги Зарафшон округи девонхонаси ҳужжатларига кўра, рус ҳукумати вақф ерларини қуйидаги тартибда назорат қилган. Ушбу ерлар бўлим бошлиқлари (уезд бошлиқлари) томонидан ижарага берилган. Бў-

²⁶ Бекмуҳаммедов Ҳ. Ю. Тарих терминларининг изоҳли луғати. Тошкент: Ўқитувчи, 1986. 243-б.; Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент: ЎМЭ, 2005. Том 9. 425-б.

²⁷ Таноб арабча – чилвир, аркон маъносидаги атама Ўрта Осиё хонлиқларида томонлари 60 газ дан иборат бўлган майдонга тенг, яъни экин майдонини ўлчаш учун қўлланилган юза бирлиги. 1 Таноб 60х60 кв. газ =3600 кв. газ =0,08194 га=900 кв. м. (1 га=12 таноб) (Қаранг: Бекмуҳаммедов Ҳ. Ю. Тарих терминларининг изоҳли луғати. Тошкент: Ўқитувчи, 1986. 222-223-бетлар; Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент: ЎМЭ, 2004. Том 8. 263-б.) Дастлаб таноб ўлчов бирлиги сифатида ишлатилган бўлса, кейинчалик айни номдаги солиқ ҳам олинган – М. С.

²⁸ ЎзР МДА. И-455. Р-1. Ҳ-1. Варақ-11.

²⁹ ЎзР МДА. И-455. Р-1. Ҳ-1. Варақ-12.

лим ёки уезд бошлиқлари ҳар йили мунтазам равишда округ бошлиғига махсус харажатлар сметасини тасдиқлаш учун тақдим этган. Унга кўра, мадрасалар вақф мулкларидан олинган депозитлар ҳисобидан харажатлар сметаси асосида мадрасаларга пул маблағи ажратилган. Ушбу сметада ернинг қанча маблағ эвазига ижарага берилганлиги, шаҳар ҳисоби-га қанча маблағ ўзлаштирилиши, мадраса биноси таъмири учун қанча маблағ сарфланиши, мутавалли, мударрис ва муллалар орасида қанча маблағ тақсимланиши аниқ келтирилган. Кейинчалик қатъий ушбу смета асосида даромадлар ғазнага ўтказилгач, қолган қисми уезд ва бўлим бошлиқларига берилган, улар эса ўз навбатида мутаваллиларга берган. Мутаваллилар эса қолган маблағни вақф ҳужжатларига кўра мударрис, муллаларга ва мадраса ходимларига тақсимлаб беришган. Бўлим, уезд бошлиқлари ҳар йили мутаваллилар тақсимлаган маблағлар ведомости бўйича ҳам ҳисобот берганлар (мударрис муллалар имзоси билан тасдиқланган).

Вилоятга 1886 йилда қўшилган Хўжанд уездида бундай тартиб мавжуд бўлмаган. Хўжандда вақф мулклари Сирдарё ва Фарғона вилоятлари сингари бу даврда назоратга олинмаган эди ва тўлиқ мутаваллилар бошқарувида бўлган. 1890 йилгача Самарқанд вилоятида ва бошқа вилоятларда мутаваллиларни тайинлаш ҳеч қандай рус ҳукуматининг қарорисиз амалга оширилган. 1890 йилда Самарқанд вилояти уездларидан бирининг мурожаати билан 11 январдаги вилоят бошқаруви жавобига асосан мадраса, умуман, барча вақф мулклари мутаваллилари уезд бошлиқлари тавсияси ва вилоят маъмурияти тасдиғи билан тайинланган ва вазифасидан озод этилган.

1888 йилга келиб Хўжанд уезди бошлиғи полковник Ефремов уездда ҳам Самарқанд вилоятидаги вақф мулкларини бошқариш тартибини жорий қилади. 1889 йил 15 мартдаги 1713-сонли билдирги билан Хўжанд уезди бошлиғи ушбу тартибни нафақат вақф ерлари, балки барча вақф мулклари (дўконлар, карвонсаройлар, ҳаммомлар ва б.)га нисбатан жорий қилганлиги³⁰ мазкур бошқарув усулининг рус маъмурлари манфаатига хизмат қилдиришдаги янги бир қадам бўлди.

Хуллас, Самарқанд вилояти вақф мулкларидан келаётган даромадлари масаласини тадқиқ этиш шуни кўрсатадики, вилоятда мавжуд экин майдонлари ва савдо дўконларини бир қисми мадраса вақфлари тасарруфида бўлган. Улардан келадиган даромаднинг бир қисмини эса рус маъмурлари манфаати учун хизмат қилдириш соҳани бошқаришдаги муҳим масала эди. Бунга асос сифатида Самарқанд шаҳридаги мадрасалардан

³⁰ ЎзР МДА. И-455. Р-1. Ҳ-1. Варақ-14.

олинган вақф даромадлари ҳисобидан шаҳарнинг янги қисмини қуришга сарфланганлигини келтириш мумкин.

Шунингдек, Самарқанд вилоятидаги мадрасаларнинг вақф мулклари Сирдарё ва Фарғона вилоятларидан фарқли равишда тўла ҳукумат назоратида бўлган. Вақф экин майдонлари рус ҳукумати вакиллари томонидан ижарага берилган ва келадиган даромадлар тўлиқ давлат ғазна-сига ўтказилган.

Вақф ҳужжатларига кўра, мутаваллиларга уларнинг мурожаатнома-си асосида пул ажратилган. Мурожаатномаларнинг ижроси баъзида 2-3 йилгача кечиктирилган. Сирдарё ва Фарғона вилоятларида вақф мулк-лари ҳукумат томонидан қаровсиз ҳолатда мутаваллилар томонидан (кўп-гина ҳолларда ноўрин) бошқарилаётган вақтда, Самарқанд вилоятида вақф ишлари тартибга солинганлиги мазкур вилоятда рус маъмурлари-нинг соҳага жиддий эътибор қаратганлигидан далолат беради.

Мадрасалар моддий таъминотининг асоси бўлган вақф мулкларини тўлиқ назорат қилиш орқали, янги ҳукумат Самарқанд вилоятида бу таъ-лим даргоҳларини бошқаришни енгиллаштиради.

Вақф мулклари устидан назорат ва уларни аста-секинлик билан дав-лат ихтиёрига ўтказилиши, мадрасалардаги таълим сифатига ва улар-нинг кейинги фаолиятига салбий таъсир кўрсатган.

С. МУХИДДИНОВ

ХІХ АСР ОХИРИ – ХХ АСР БОШЛАРИДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ МАДРАСАЛАРИНИНГ ВАҚФ ДАРОМАДЛАРИ ВА УЛАРНИНГ БОШҚАРУВИ

Ушбу мақолада ХІХ аср охири ХХ аср бошларида Самарқанд вилоя-ти мадрасаларининг фаолияти ва вақф мулклари ҳақида архив ҳужжат-лари асосида маълумот берилган. Шунингдек, вилоят мадрасаларининг вақф мулкларидан олинган даромадлари аниқ манбалар асосида ёритил-ган ва Туркистон ўлкасидаги бошқа вилоятлар билан солиштирилган. Мақолада муаллиф Туркистон генерал-губернаторлиги даврида мадра-салар вақф мулкларининг бошқаруви ва Самарқанд вилоятида соҳани назо-рат қилишдаги ўзига хос жиҳатларини очиқ берган. Мутавалли, мудар-рис, талаба ва мадрасадаги бошқа ходимларнинг вақф даромадларидан олган маошлари ҳақида архив ҳужжатлари асосида маълумот берилган.

Калит сўзлар: генерал-губернатор, мутавалли, мударрис, имом, муаззин, дўкон, карвонсарой, хаммом, хирож, таноб, хужра, нозир, уезд, адно, авсат, аъло, депозит.

С. МУХИДДИНОВ

**ДОХОДЫ ВАКФОВ И УПРАВЛЕНИЕ МЕДРЕСЕ
В САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ
В КОНЦЕ XIX – НАЧАЛЕ XX вв.**

В данной статье на основе архивных источников, проанализирована деятельность медресе даны сведения архивных документов о вакфных недвижимостях и освещена деятельность медресе Самаркандской области в конце XIX – начале XX вв. Приводятся сравнительные данные доходов медресе различных регионов Туркестанского края. Также, описываются особенности управления имущественным вакфом медресе, объясняются методы отраслевого контроля в Самаркандской области в период Туркестанского генерал-губернаторства. Приводятся данные о сотрудниках медресе, мутавалли, мударрисах, мулла и полученных средств от доходов вакфа.

S. MUKHIDDINOV

**INCOMES OF WAKF AND MANAGEMENT
OF THE MADRASAS IN THE SAMARKAND REGION
AT THE END OF THE XIX – THE BEGINNING
OF THE XX CENTURY.**

This article, which had based on archival sources, analyzed the activity of the madrasa; information from archival documents about the vacancy of real estate and the activities of the madrasa of the Samarkand region in the late XIX – early XX centuries, and also presents data on the vacancy real estate. Is given comparative data of incomes of madrasas of different regions of the Turkestan region. It also describes the features of managing the waqf of madrasas, explains the methods of sectoral control in the Samarkand region during the period of the Turkestan Governorate-General. Article gave the data on the staff of the Mutawalli madrasa, mudarrisi, mullahs and incomes from the waqf.

*Ўзбекистон давлатчилиги тарихи
ва тарихшунослиги*

Г. АЧИЛОВА

**ЧИНГИЗИЙЛАР ДАВРИ МОВАРОУННАХР МАЪМУРИЙ
БОШҚАРУВИДА МАРКАЗИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ АНЪАНАЛАР**

Бугунги кунда Ўзбекистон тарихини ҳаққоний ёритиш мақсадида тарихий манбаларни кенг жалб қилиш ва уларни чуқур тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тарихий манбаларни қиёсий таҳлил этиш бу борада айтилган пайтгача мавжуд бўлган қарашларга маълум даражада ойдинлик киритишга ёрдам беради. Ўзбекистоннинг чингизийлар даври тарихи мунозарали ҳисобланиб, бу даврга оид тарихий манбалар таҳлили турли баҳсларга маълум даражада аниқлик киритади.

Европа ва Осиёнинг катта қисмини эгаллаб, йирик салтанатга асос солган Чингизхон вафотидан аввал (1227) тасарруф этилган ҳудудларни ўғиллари ўртасида тақсимлаган. Бу бўлиниш асосида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудлари иккинчи ўғли Чиғатойга (1224-42) бошқариш учун берилган. Чингизхоннинг ворислари бошқарувидаги ҳудудлар маъмурий жиҳатдан маълум чегараларга эга бўлиб, шахзодаларга берилган ўлкалар улус деб аталган.

Манбаларда Чиғатой улуси таркибига кирувчи ҳудудлар масаласида бир-биридан фарқ қилувчи маълумотлар учрайди. Бунинг сабабини Чингизхон ворислари бошчилик қилган бошқа давлатлардан фарқли ўларок¹ Чиғатой улусида маҳаллий тарихчилар томонидан яратилган манбаларнинг деярли мавжуд эмаслиги билан асослаш мумкин². Чиғатой улуси таркибига кирган ҳудудлар масаласида дастлабки маълумотлар форс ва хитой манбаларида учрайди. Мўғуллар даврига оид бирламчи манба ҳисобланган Рашидиддин ва Жувайний асарларида Чиғатой улуси ҳудуди Қашғар, Ёрканд, Хўтан, Шарқий Туркистон, Еттисув, Мовароуннахр ва Хоразмнинг шарқий қисмидан иборат эканлиги таъкидланган³.

¹ Эронда Жулагулар (1256-1353), Дашти Қипчоқ ва рус ерларида Олтин Ўрда (1227-1357)

² Айнан XIII асрга тегишли ягона маҳаллий манба Жамол Қарший асари ҳисобланади. Джамал ал-Карши ал-Мулҳакат би-с-сурах. Введение, перевод с арабского-персидского, комментарии, текст, факсимиле Ш. Х. Вохидова, Б. Б. Аминова. История Казахстана в персидских источниках. Т. I. Алматы. Дайк-Пресс. 2005.

³ Juvaini 'Ala-ad-Din 'Ata-Malik. The history of the World Conqueror / Transl. from the text of Mirza Muhammad Qazvini by J.A. Boyle; With a new introduction and bibliography by David O. Morgan. – Manchester: Manchester University Press, 1997. – P. 271; Фазлуллах Рашид ад-Дин. Джами ат-таварих (сборник летописей) / Пер. с перс. А. К. Арендса. Баку, 1957. Т. III. 70-бет.

Мазкур форс манбаларига таянган бир қатор илмий адабиётларда, жумладан, рус олими В. В. Бартольд ва замонавий тарихчилардан Михал Биран тадқиқотларида ҳам мўғуллар босиб олгунга қадар салкам бир аср давомида Қорахонийлар (840-1212) давлати таркибига кирган Еттисув, Қошғар ва Мовароуннахр⁴ тўлалигича Чиғатойхон қўлига ўтганлиги қайд этилган⁵.

XIV аср ва ундан кейинги давр манбаларида Чиғатой улуси таркибидаги ҳудудлар борасида бошқача маълумотлар учрайди. Жумладан, темурийлар даври муаллифи Низомиддин Шомийнинг асарида Чиғатойхонга Мовароуннахр, Хоразмнинг бир қисми, Уйғуристон (ҳозирги ХХРнинг Шиньжон мухтор райони), шунингдек, Қошғар, Бадахшон, Балх, Ғазнидан то Синд дарёси соҳилигача бўлган ҳудудлар берилганлиги келтирилган⁶. Худди шу маълумотларни Мирзо Улуғбек, Хуршоҳ ибн Қубод ва Абулғози Баҳодирхон асарларида ҳам учратиш мумкин⁷. Шунингдек, чиғатойлар даври тарихини ўрганган европалик дастлабки тадқиқотчилардан бири Э. Оливер ҳам худуд масаласида Низомиддин Шомий ва бошқа кейинги давр муаллифларининг маълумотларини такрорлаган⁸.

Айтиш мумкинки, ушбу муаллифлар берган маълумотлар муҳим қайд ҳисобланади ва кўпгина масалаларга ойдинлик киритади. Хусусан, совет даврида чоп этилган адабиётларда Чиғатойхоннинг мулки Амударёдан жанубга ўтмаган, деган маълумотлар берилади. Бироқ, Чиғатой хонлари доимо Амударёнинг жанубидаги ерларга даъвогарлик қилиб келганликларининг ўзи юқоридаги фикрни инкор этишга асос бўлади. Чунки бугунги Эрон ва Ироқ худудида мавжуд бўлган Хулагулар давлати (1256-1353) Чиғатой улусидан қарийб 30 йил кейин ташкил топган

⁴ Мовароуннахр бундан истисно бўлиб, у 1210 йилдан бошлаб Хоразмшоҳлар давлати таркибига кирган.

⁵ Бартольд В. В. Общие работы по истории Средней Азии. Работы по истории Кавказа и Восточной Европы. 58-б; М. Biran. The Cambridge history of medieval Inner Asia: the Chinggisid Age. Edited by Nicola Di Cosmo, Allen Frank and Peter B. Golden. United Kingdom at the University Press, Cambridge. 2009. P. 46-47; Дутураева Д. Қорахитойлар ҳукмронлиги даврида Марказий Осиё (XII аср иккинчи чораги – XIII аср бошлари). Тарих фанлари номзод. дисс. Тошкент, 2010. 103-бет.

⁶ Низомиддин Шомий. Зафарнома. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 27-бет.

⁷ Улуғбек Мирзо. Тўрт улус тарихи / Форс тилидан Б. Аҳмедов, Н. Норкулов ва М. Ҳасанийлар таржимаси. – Тошкент: Чўлпон, 1994. 181-б. www.ziyouz.com кутубхонаси; Абулгази. Родословное древо тюрков. Сочинение Абулгази, Хивинского хана / Пер. Г. С. Саблукова. Казань, 1906. 174-б.; Хамдамова М. “Тарихи элчи Низомшоҳ” Марказий Осиёнинг IX-XVI асрлардаги тарихига оид манба сифатида. Тарих фанлари номзод. дисс. автореф. Тошкент, 2007. 15-17-бет.

⁸ Oliver E. The Chagatai Mughals. – The Journal of Royal Asiatic Society. 1888, vol. 20. P. 77.

ва улусга тегишли ерларни олиб қўйган. Шу жиҳатдан кейинчалик Амир Темурнинг Чиғатой хонлари номидан Хуросонга юриш қилиши асосли бўлган. Бу эса “Амир Темур бунга қонуний жиҳатдан ҳақли бўлган”, деган фикрни келтириб чиқаради⁹.

Б. Аҳмедовнинг маълумотига кўра, чингизийларнинг Мовароуннаҳрда ўтроқлашиш жараёнини расман бошлаб берган Кебекхон (1318-1326) ўз ҳокимиятини дастлаб Хуросонда, аниқроғи Балхда ўрнатган. Бу ҳақда тўхталар экан, муаллиф: “Балх ва унга туташ туманлар Чиғатой наслидан бўлган Кебекхон ҳукмронлигининг сўнгига келиб тез тиклана бошлади”, – дея қайд этган¹⁰.

Демак, XIV аср ва ундан кейинги давр манбаларига таяниб, XIII асрнинг 60-йилларигача, яъни Хулагулар давлати ташкил топгунга қадар Чиғатой улуси таркибига Амударёнинг жанубидаги ерлар ҳам кирган, деб хулоса қилиш мумкин.

Чиғатой улусининг ҳудуди масаласини ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, у маъмурий бошқарув жиҳатдан бир-биридан фарқланувчи икки қисмдан иборат бўлган. Аҳолининг яшаш тарзидан келиб чиқиб, ушбу қисмларда бошқарув шакли ҳам ўзига хос тарзда шаклланган. Биринчиси кўчманчилар яшайдиган ҳудудлар бўлиб, унга Или ҳавзасида жойлашган шаҳарлар – Олмалик, Еттисув ва Қаялик кирган. Мазкур ўлкалар мўғулларнинг Марказий Осиёдаги ҳукмронлик йилларида улар учун маъмурий марказ вазифасини бажарган ва асосий хон қароргоҳи шу ерда жойлашган.

Иккинчиси, яъни, Сирдарё бўйидан то Хуросонгача бўлган ўтроқ деҳқончилик вилоятлари бўлиб, узоқ йиллар давомида мўғулларнинг иқтисодий таянчи бўлиб келган. Ушбу бўлинишлар асосида ташкил қилинган Чиғатой улусида мўғулларнинг ҳокимият бошқаруви кўчманчилик қоидалари ва ўтроқ вилоятлар анъаналар шароитидан келиб чиқиб йўлга қўйилган. Чингизийларнинг Марказий Осиёдаги бошқарувини тадқиқ этиб, бир ярим асрлик ҳукмронлик даврида вазият бир хил кечмаганлиги кўзга ташланади. Бу жараён империядаги сиёсий вазиятга қараб бир неча марта ўзгарган. Шунинг учун давлат бошқарувини уч босқичга бўлиб ўрганиш мумкин:

Дастлабки босқич мўғулларнинг бирлашган империя даври (1227 йилдан – 1260 йилларгача). Бу даврда барча ҳудудлар ягона ҳукмдор – ҳокон томонидан идора қилинган. Улус хонларидан ҳоконнинг

⁹ Ҳамдамова М. А. “Тарихи элчи Низомшоҳ” Марказий Осиёнинг IX-XVI асрлардаги тарихига оид манба сифатида. ...16-бет.

¹⁰ Аҳмедов Б. А. История Балха. Ташкент, 1982. 22-бет.

буйруқларига бўйсуниб талаб қилинган¹¹. Шу сабабли Чигатой ва ундан кейинги бир нечта хонлар барча масалаларда Буюк ҳоконга итоат этганлар. Аммо, айтиш мумкинки, Олтин Ўрда хонлари бу пайтда ўзларини анча мустақил ҳисоблаганлар. Шу сабабли улар тез орада маҳаллий бошқарув усуллари қабул қилиб, давлатни марказлаштиришга муваффақ бўлганлар.

Бу даврда Чигатой улусига қарашли ўтроқ худудларда маҳаллий юқори табақа вакиллари бошчилигида мусулмон анъаналарини сақлаган ҳолда кўчманчилар манфаатига хизмат қилувчи идора усули йўлга қўйилган¹². Худди шундай ҳолат 1210 йилларгача Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган Қорахитойлар бошқарувида ҳам кузатилади. Чунки икки сулола вакиллари ҳам бошқа динга эътиқод қилувчилар сифатида мусулмон бошқаруви тизимини деярли тушунмаганлар. Шу билан бирга, Марказий Осиёда кўчманчилар билан ўтроқ аҳоли манфаатларининг бир-бирига мослашиши бошқа мўғул давлатларига нисбатан қийинроқ кечган. Чигатойнинг мусулмонларга нисбатан олиб борган шафқатсиз сиёсати ва Ясога қаттиқ амал қилганлиги ҳам улусда кўчманчи мўғул анъаналарининг узоқроқ сақлаб қолинишига олиб келган. Чигатойдан бошланган бу тизим то XIV аср бошларигача давом этган.

Иккинчи босқични (1260 йиллардан – XIV аср бошигача) умуммўғул империясининг парчаланиши ва Чингизхон ворисларига берилган худудларда ҳокон назоратидан мустақил бўлган давлатлар ташкил топган давр сифатида кўрсатиш мумкин. Бу даврда Чигатой улусида икки ҳокимиятчилик юзага келади. Давлат империянинг биринчи ҳокони Ўқтой (1229 йилдан)¹³ хонадонидан бўлган Қайдухон (1269-1301) ва Чигатой авлодлари томонидан биргаликда бошқарилган¹⁴. Икки ҳокимиятчилик-

¹¹ Федоров-Давыдов Г. А. Общественный строй Золотой Орды. М.: МГУ, 1973. 29-бет.

¹² Бу тартибга Чигатой улуси билан деярли бир вақтда ташкил топган Жўжи улусида амал қилинмаган. Жўжи хонадони ҳукмдорлари бошқарувни деярли мустақил амалга оширган. История Казахстана и Центральной Азии. Учеб. пособие / Абусеитова М. Х. и др. Алматы: Дайк-Пресс. 2001. 79-бет.

¹³ В. В. Трепавлов асарига мўғулларнинг биринчи ҳокони ким бўлганлиги хусусида баҳс юритилади. Унга кўра, бу борада иккита қараш мавжуд. Биринчиси Чингизхон, иккинчиси эса Ўқтой. Манба ва тадқиқотларда Чингизхон номига ҳокон унвонининг қўшиб айтилмаслигини ҳисобга олиб олимлар мўғул империясининг биринчи ҳокони Ўқтой деган қарорга келган. Трепавлов В. В. Государственный строй Монгольской империи XIII в.: Проблема исторической преемственности. Москва: Наука, 1993. 60-бет.

¹⁴ Айнан Ўқтойнинг набираси Қайдухон (1269-1301) 30 йилдан ортиқ вақт давомида Марказий Осиёда Чигатой авлодларининг сюзерини сифатида ҳукмронлик қилган. Biran M. Qaidu and the Rise of the Independent Mongol State in Central Asia. Richmond, Great Britain: Curzon Press, 1997.

нинг юзага келиши ўтроқ туманлар аҳолисининг ниҳоятда оғир даврни бошидан кечиришига сабаб бўлган. Чунки маҳаллий халқ икки хонадон вакиллари талабларини бир вақтда бажаришга мажбур эди.

Бундай бошқарувнинг юзага келиши ва айнан шу даврда мўғул давлатларининг тинимсиз ўзаро урушлари чингизийлар учун Ўрта Осиёда хукмронлик қилишнинг аҳамияти катта бўлганлиги билан ҳам изоҳланади. Чунки бу ҳудуд уларга фақатгина иқтисодий таянч бўлмай, балки бошқа Осиё давлатлари ва Европага ўтишда асосий кўприк вазифасини ҳам бажарган.

Учинчи босқич XIV аср бошидан то Чигатой улуси икки қисмга бўлиниб кетган 1340 йилларгача бўлган давр ҳисобланади. Бу пайтга келиб Чигатой хонларининг ўтроқлашуви ва ислом динини қабул қилиши натижасида бошқарувда катта ўзгаришлар содир бўлади. Яъни, мўғул хонлари анъанавий кўчманчи идора усулидан маҳаллий мусулмон бошқарувига ўтади. Бу жараёни Кебекхон (1309-1318)нинг ўтроқлашиш ҳақидаги қарори бошлаб берган. Тармаширинхоннинг (1326-1334) ислом динини қабул қилиши эса маҳаллий бошқарувнинг тўлиқ жорий қилинишига сабаб бўлган. Аммо, ўтроқ ва кўчманчи маданиятларнинг бу тарзда аралашиб кетиши Чигатой улусининг бўлинишига олиб келади. Мўғуллар хукмронлиги ўрнатилган пайтдаёқ юзага келган ва узоқ йиллар бир-бири билан кураш олиб борган икки тенденция тарафдорлари¹⁵ ўртасидаги низолар кучайиб, Чигатой улуси Фарбий ва Шарқий қисмларга бўлиниб кетади. Фарбий қисм ҳисобланган Мовароуннахрнинг ўзи ҳам майда бекликларга парчаланиб, маъмурий жиҳатдан турли қабила-ларнинг кичик мулкларидан иборат бўлиб қолиши кузатилган¹⁶.

¹⁵ Маълумки, мўғул бошқарувида маҳаллий аҳоли билан муносабатларда икки тенденция юзага келган. Биринчи тенденция тарафдорлари бўлган ҳарбий-кўчманчи зодагонлар ўтроқ ҳаёт тарзига қарши бўлишган, улар шаҳарларни тиклаш ва деҳқончиликни ривожлантириш билан қизиқишмаган. Иккинчи тенденция тарафдорларини айрим хонлар ва ҳарбий-кўчманчи зодагонларнинг унчалик катта бўлмаган қисми ҳамда маҳаллий юқори табақа вакиллари кўпчилиги – рухонийлар ва савдогарлар ташкил қилган. Уларнинг барчаси хўжалик ҳаётини тиклаш мақсадида бирлашиш, марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга интилишган. Бу тенденция тарафдорлари самарасиз урушларни тўхтатиш, маҳаллий аҳолини ҳукмдорлар зулмидан ҳимоя қилиш керак деб ҳисоблаганлар. Кейинчалик икки тенденция тарафдорлари ўртасидаги тинимсиз курашлар 1348 йилда Чигатой улусининг икки қисмга ажралиб кетиши билан яқунланган. Владимирцов Б. Я. Общественный строй монголов. Монгольский кочевой феодализм. Л.: Изд. АН СССР, 1934; Строева Л. В. Борьба кочевой и оседлой знати в Чагатайском государстве в первой половине XIV в. // Памяти академика И. Ю. Крачковского: Сб. ст. Ленинград: ЛГУ, 1958. 206-207-бетлар.

¹⁶ Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё. Тошкент, 1997. 55-бет.

Чигагойлар даврида марказий ва маҳаллий бошқарувда мавжуд бўлган унвонлар ва давлат лавозимларини тадқиқ этиш ҳам бошқарувнинг қай тарзда амалга оширилганлигини ёритишда муҳим ҳисобланади. Маълумки, мўғуллар империяси ташкил топгач, уларда ҳам давлат бошқаруви қадимги туркий халқлар анъаналари асосида шакллантирилган. Умуммўғул империясида олий ҳукмдор *ҳоқон* ҳисобланган. Буюк қоон (Буюк хон) ёки *ҳоқон* давлатдаги барча аъёнларнинг олий сюзерени ва ҳукмрон уруғнинг бошлиғи сифатида мамлакатнинг бутун худуди, улуслардаги ерларни идора қилган¹⁷. Даражасига кўра ҳокондан кейинги ўринда *улус хони* турган. Асрлар давомида барча туркий халқларда бўлгани каби, мўғулларда ҳам давлатни бошқаришда ҳоконнинг биринчи ёрдамчиси бош вазир ҳисобланган¹⁸. Асосан туркий халқлар яшайдиган Чигагой улусида эса хондан кейинги давлат бошқаруви лавозимидаги шахс *доруга* ёки *доругачи* дейилган. Ҳокон улус ҳукмдорининг худудларни идора қилиш ишига доимий равишда аралашишига йўл қўймаган ва доруғачининг бошқарувини олдинги ўринга чиқарган.

Мовароуннаҳр анъанавий бошқарувида ўзгариш сифатида жорий қилинган доруғачи идораси назорати остида иқтисодий, ҳарбий ва адлия масалалари билан шуғулланувчи ташкилотлар тузилган. Бўйсунувчи шаҳарларда доруғачилар билан биргаликда маликлар ўтирган¹⁹. Мўғуллар босқинидан кейинги йилларда доруғалар истилочиларнинг жойлардаги ҳарбий ҳокимияти вакиллари бўлган, кейинчалик уларга солиқларни йиғиш ва ўлпонларни саройга ёки хон қароргоҳига етказиб бериш, почта алоқасини ташкил қилиш, кўшин тўплаш, хазинани сарфланиш мақсадларини доимий назорат қилиш, аҳолини рўйхатдан ўтказиш каби вазифалар юкланган²⁰. Доруғачининг вазифалари орасида энг масъулиятлиси давлат молия тизимини бошқариш бўлган. Шу сабабли ҳам Маҳмуд ва Маъсуд Ялавочлар бевосита хоннинг молия вазири ҳам ҳисобланганлар. Бошқарувнинг деярли барча соҳалари маҳаллий кишилар зиммасига юкланганлигидан ҳам кўриш мумкинки, Чингизийлар XIII аср охири – XIV асрнинг бошларигача Мовароуннаҳрни бошқаришдан кўра аҳолидан солиқ йиғиб олишга қизиққан.

¹⁷ Кычанов Е. П. Жизнь Темучжина, думавшего покорить мир. Москва, 1995. 141-142-бетлар.

¹⁸ Султанов Т. И. Чингиз-хан и Чингизиды. Судьба и власть. Москва: АСТ, 2006. 35-38-бетлар.

¹⁹ Строева Л. В. Борьба кочевой и оседлой знати в Чагатайском государстве в первой половине XIV в. // Москва, 1958. 114-бет.

²⁰ Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. ... 468-469-бетлар.

Чингизхондан бошлаб ўтроқ ўлкалар доруғаси сифатида Маҳмуд Ялавоч (?-1254) фаолият юритган. Лекин, ягона маҳаллий манба ҳисобланган Жамол Қарший асарида у доруға эмас, балки вазир деб келтириб ўтилган²¹. Хитой манбаларида эса Маҳмуд Ялавоч фақат Фарбий ўлкалардан солиқларни йиғиб бериш бўйича бошлиқ сифатида қайд этилган. Унинг ихтиёрида мўғулларнинг таянчи бўлган солиқ йиғувчи мўғул босқоқлари, маҳаллий ҳокимлар, ҳарбий маъмурлар ҳамда мўғул ҳарбий отрядларининг бир қисми бўлган. Маҳмуд Ялавочнинг зиммасига юқорида келтирилган доруғачининг вазифалари юклатилган²².

Маҳмуд Ялавоч Чигатой билан муносабатлари ёмонлашганлиги сабабли 1238 йилги Маҳмуд Таробий кўзғолонидан сўнг Мовароуннаҳрдан четлаштирилганлиги сабабли унинг ўрнини бу пайтда Ўқтой хузурида хизмат қилувчи ўғли Маъсудбек (1239-1289) эгаллаган. Рашиддиннинг гувоҳлик беришича, у Уйғуристондан то Хоразмгача бўлган ўтроқ аҳолининг сиёсий ва иқтисодий-ижтимоий ҳаётига оид бўлган барча масалаларни ҳал қилган²³. Маъсудбекнинг ўтроқ вилоятларини бошқаришдаги ваколати ярим империя доирасида тан олинган. Умуман олганда, Чингизийлар билан бир вақтда бошқарувга келган Ялавочлар мўғул хонларининг Мовароуннаҳрга кўчиб ўтиш жараёни бошлангунга қадар доруға мансабида вилоятларни бошқарганлар.

Мўғул ҳукмдорлари барча истилочилар сингари, босиб олинган ўлкаларда кўзғолонлар чиқмаслиги ва аҳолининг мустақиллик учун ҳаракат олиб бормасликлари учун ҳарбий ҳокимиятга катта эътибор қаратганлар. Шу сабабли вилоятларда доруғачига ҳарбий ёрдамчи сифатида *танмачиларни* тайинлаганлар. Бироқ, В. В. Бартольднинг фикрича, танмачи дастлаб Ўқтой томонидан почта идоралари хизматини йўлга қўювчи лавозим сифатида жорий этилган бўлиб, баъзи ҳоллардагина ҳарбий ҳокимиятни қўлга олган²⁴.

Содир бўлган ўзгаришлар қаторида доруғачидан ташқари юқори даражага эга бўлган давлат мансабларидан марказий бошқарувда *Ясо амири, битикчи, тамғачи* ва *барсчи* ҳам фаолият юритган. Улар маҳаллий бошқарувда қатнашмаган, асосан хон ёнида юриб давлат ишларида иштирок этган. Битикчи амири дафтардор бўлиб девон ишларига; Ясо амири чиқарилган ҳукм ҳамда қарорлар, суд ишларига; барсчи амири эса ов ишларини ташкиллаштириш ва тартибни сақлашга бошчилик

²¹ Джамал Ал-Карши. Ал-Мулҳакат би-с-сурах... .125-бет.

²² Хўжаев А. Буюк Ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. Тошкент, 2007. 229-бет.

²³ Рашид ад-дин. Сборник летописей. ...12-бет.

²⁴ Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. ... 534-535-бетлар.

қилган. Тамғачи хоннинг ёрликларига қизил рангли мухр босиш иши билан шуғулланган.

XIII аср бошларида мўғул бошқарувида юзага келган ва кейинги даврларда ҳам асосий бошқарув шакли сифатида қабул қилинган энг катта ўзгариш “минглик”, “юзлик” ва “ўнлик” тизимининг юзага келиши бўлган²⁵. Мўғуллар билан биргаликда кириб келган “минглик”лар бошқарув тизими маҳаллий идора усули билан аралашиб кетган. Узоқ муддатли урушлар ва барқарор марказлашган бошқарув шаклининг мавжуд эмаслиги Чигатой улусида ташкилотлар тузилишига таъсир кўрсата олмаган²⁶. “Мингликлар”даги мўғул кўшинлари ўтроқ аҳоли билан муносабатларда миршаб вазифасини бажарган ва ҳарбий юришларни ташкил қилишда талабга кўра хон фойдасига солиқ ва тўловларни йиғиш билан шуғулланган.

Бу даврда кўчманчилик асосидаги давлат бошқарув мансабларидан ташқари, алоҳида маҳаллий лавозимлар ҳам сақланиб қолган. Муслмон сулолалари ҳукмронлигидан бошлаб мавжуд бўлган бу унвонлар ва давлатни бошқариш тизими аввалги аҳамиятини йўқотган бўлса ҳам, ўзининг мукамаллиги билан XIV аср бошларига келиб, улус хонларнинг қизиқишига сабаб бўлган. Натижа Чигатой хонларининг ўтроқлашиб, маҳаллий бошқарувни қабул қилиши билан тугаган.

Манбаларда бу даврдаги маҳаллий лавозимлар ҳақида аниқ маълумотлар учрамаса-да²⁷, тадқиқ қилинган маҳаллий ҳужжатлардаги далилларга асосланиб, мавжуд бўлган мансабларни ёритиш имконига эга бўлиш мумкин. Ўтроқ вилоятларда ҳокимият эгалари *садрлар, туман амирлари, малик, босқоқ ва девон вазирлари* ҳисобланган. Уларнинг ўғиллари ёки ворислари катта-катта ер мулкларга эгалик қилган²⁸.

Мўғуллар кириб келгунга қадар сарой мансаблари ҳисобланган бир канча лавозимлар энди маҳаллий ҳукмдорлар бўлган маликлар ва садрлар

²⁵ Бу тизим анъанавий Ўрта Осиё давлат бошқарув тизимида мавжуд бўлмаган, мўғуллар кириб келиши натижасида кенг ёйилган ва Темурийлар даврида ҳам тўлик амалда бўлган.

²⁶ Акимбеков С. История степей: Феномен государства Чингизхана в истории Евразии. Алматы, 2011. 341-342-бетлар.

²⁷ Бунинг сабаби XIII-XIV аср биринчи ярми тарихини ёритувчи асосий манбаларнинг Чигатой улусидан бошқа мўғул давлатларида, жумладан Элхонийлар давлати ва Юанда сулоласи тарихчилари томонидан ёзилганлигидир.

²⁸ Чехович О. Д. Бухарские документы XIV в. Ташкент: Фан, 1965. 21-бет.

хизматида сақланиб қолган²⁹. Жумладан, салжукийлар ва хоразмшоҳлар ҳукмронлигида бўлгани каби, молиявий-иқтисодий ишларни мўғуллар даврида ҳам, кейинчалик темурийларда ҳам *мушриф* деб аталувчи мансабдорлар бошқарган. Шунингдек, хазина ишлари билан шуғулланадиган лавозимдаги киши *муставфий* бўлиб, у мамлакатнинг чекка ўлкаларидаги молиявий ишлар раҳбари ва молиявий маслаҳатчи ҳам бўлган. Мўғуллар даврида бу лавозимнинг мавжуд бўлганлигини шайх Сайфиддин Бохарзийнинг ўғли муставфий бўлганлиги орқали кўрсатиш мумкин³⁰.

Шихна деб аталувчи мансаб эгаси вилоятнинг жамоат тартибини сақлаш билан шуғулланган. У халқнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаган, айрим ҳолларда солиқ йиғиш ишларига ҳам кўмаклашган. Афтидан, шихна ҳарбий тоифага мансуб бўлган. Булардан ташқари, *раис* лавозими ҳам бор эди. Ҳар бир қалъа, шаҳар ва туманда мазкур мансабни эгаллаган шахслар бўлган. Раис шаҳарнинг обрўли кишилари орасидан маҳаллий аҳоли томонидан сайланган. Мўғуллар бошқаруви даврида раислар ўтроқ воҳалар маҳаллий ҳукмдорларига бўйсунган³¹. *Мухтасиб* шаҳарнинг бозорларини назорат қилган. Бу мансабга асосан маърифатли одамлар, ислом илмидан яхши хабардор бўлган кишилар тайинланган³². О. Чехович тадқиқотида *вакил* лавозимидаги мансабдор ҳақида ҳам маълумот учрайди. Унга кўра, заминдор ва ўз шахсий ерини ижарага берувчи киши вакил деб номланган. Масалан, ҳужжатлардан бирида Фатҳобод вакили Хожа Муҳаммад эканлиги таъкидланиб, унга қарашли мулклар ҳақида маълумот берилади³³. Аммо, мўғулларгача хоразмшоҳлар даврида вакил лавозими юқори давлат мансаби ҳисобланиб у саройдаги умумий масалалар билан шуғулланган³⁴. Шунингдек, асарда

²⁹ Маълумки, Хоразмшоҳлар давлатида Шарқнинг қудратли давлатларида бўлгани каби мукамал девон ва даргоҳ тизими шакллантирилган эди. Мўғуллар даврида бу девон даргоҳлар фаолияти тўхталиб уларнинг таркибидаги айрим мансабларгина сақланган. Лекин, Эрондаги Хулагулар давлати бошқаруви ўрганилганда бу ерда салжукийлар ва хоразмшоҳлар давридаги мукамал давлат аппарати тўлиқ амалда бўлганлигини кўриш мумкин. Қаранг: Хатиби С. Персидские документальные источники по социально-экономической истории Хорасана XIII-XIV вв. Ашхабад: Илим, 1985. 20-45-бетлар.

³⁰ Чехович О. Д. Бухарские документы XIV в. ... 127-бет.

³¹ Ойдин Тонарий. Жалолоддин ва унинг даври. (Турк тилидан Бобоҳон Муҳаммад Шариф таржимаси.) Тошкент, 1999. 87-бет.

³² Ануштагин-Хоразмшоҳлар даврида Хоразм (1097-1231). Серия "Рабочие документы ИФЕАК" 32-й выпуск. Тошкент, 2008. 94-бет.

³³ Чехович О. Д. Бухарские документы XIV в. ... 122-бет.

³⁴ Шихобиддин Муҳаммад ан-Насавий. Сийрат ус-султон Жалолоддин Мангуберди. / Русчадан К. Магёкубов таржимаси. Тошкент, 2006. 312-бет.

садри жаҳон, ифтихори жаҳон, қози, муфти, мехтар, сарроф сув амири (эмири об) каби унвонлар мавжудлиги ҳақида ҳам келтириб ўтилган³⁵.

Маҳаллий ҳужжатда девонлар орасида девон ал-мазолим – *мазолим девони* мавжудлигига дуч келинди. Фуқаро ва ҳарбий бўлган юқори мартабали кишиларга нисбатан қилинган шикоят даъволари маҳаллий ҳукмдор томонидан бошқарилган³⁶ мазолим девонида кўрилган. Мазкур девон асли туркий бўлган қўмондонларнинг айби тўғрисида уруғ урф-одатларига мувофик ҳукм чиқарган. Бу ўша замонда шариат ҳуқуқидан ташқари, урф-одат ҳуқуқи ҳам мавжуд бўлганлигидан далолат беради.

Умуман олганда, ушбу давлат лавозимлари мўғуллар даврида ўзларининг аввалги сарой ва давлат микёсидаги ўрнини йўқотган бўлса ҳам, маҳаллий ҳукмдорлар бошқарувида ва катта ер-мулкларни назорат қилишда ўз аҳамиятини сақлаб қолган.

Мусулмон уламоларнинг бошқарувдаги иштироки ҳам алоҳида масала бўлиб, В. Бартольднинг таъкидлашича, хон ҳузуридаги расмий давлат ишларида уларга бирор вазифа берилмаган³⁷. Уламолар фақат ҳукмдорга ва давлат мансабдорларига айрим масалаларда маслаҳат бериб турган. Бундай вазият мусулмон оламида фақат мўғуллар ҳукмронлигида юзага келган. Бошқа даврларда эса уламолар доимо давлатнинг асосий устунни ҳисобланган. Мовароуннаҳрдаги садрлар меросий мулкларини ва у ерда яшайдиган халқни бошқариш учун қолдирилганлиги сабабли улар мўғуллар босқинидан аввалги даврлардаги каби ўз таъсирларини сақлаб қолган³⁸.

Жумладан, Қорахонийлар ҳукмронлиги қулагач, Бухоро вилоятида диний ва маъмурий ҳокимият “Садри жаҳон” унвони билан машҳур бўлган бадавлат хонадонга мансуб рухоний садрларнинг қўлига ўтган ва мўғуллар даврида ҳам улар ўз ҳокимиятини йўқотмаган³⁹.

Мўғуллар томонидан маҳаллий бошқарувда ўз ўрнида қолдирилган маликлар кўп ҳолларда ўзларини мустақил ҳокимлар деб билганлар. Бу ҳолат эса Чиғатой улусида ички таназулнинг келиб чиқишига сабаб бўлган⁴⁰. Улус ҳукмдорлари орасида Дувохон (1282-1307), Кебекхон ва

³⁵ Чехович О. Д. Бухарские документы XIV в.... 27-бет.

³⁶ Мўғулларгача бу девонни олий ҳукмдорларнинг ўзи бошқарган. Ануштагин-Хоразмшоҳлар даврида Хоразм (1097-1231). Серия “Рабочие документы ИФЕАК” 32-й выпуск. Тошкент, 2008. 92-93-бетлар.

³⁷ Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия.... 541-бет.

³⁸ Чехович О. Д. Бухарские документы XIV в.... 8-10-бетлар.

³⁹ Шихобиддин Мухаммад ан-Насавий. Сийрат ус-султон Жалолоддин Мангуберди.... 310-бет.

⁴⁰ Строева Л. В. Борьба кочевой и оседлой знати в Чагатайском государстве в первой половине XIV в. ... 114-бет.

Тармаширинхон марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш, маликларнинг ўзбошимчалигига барҳам бериш, хўжалик муносабатларини тиклаш борасида маъмурий ва пул ислоҳотини ўтказганлар. Улар шаҳар ҳаётини яхшилаш, ички ва ташқи савдони ривожлантириш, ўтроқ ва кўчманчи халқларни бир-бири билан яқинлаштириш борасида ҳам бир қанча тадбирларни амалга оширган. Лекин, бу ишлар турк-мўғул юқори табақа вакиллари томонидан қўллаб-қувватланмаган. Шунингдек, Чиғатой хонлари ўз мақсадларини амалга оширишда қатъийлик кўрсата олмаганлар ва бу ўтказилган маъмурий, сиёсий ва ижтимоий ислоҳотларни кўп жиҳатдан натижасиз тугашига сабаб бўлган.

Чингизийлар давлатининг ҳудудий масалалари ва уларнинг Марказий Осиёдаги маъмурий бошқарувини тадқиқ этиш натижалари шуни кўрсатадики, XIII асрнинг 30-йилларида ташкил топган Чиғатой улусида маъмурий бошқарув тизимининг ўзига хос шакли пайдо бўлган. Давлатни бошқаришда асосан ҳарбий амалдорларга таянилган бўлса-да, вилоят ва туманлар маҳаллий аҳоли орасидан сайланган бошлиқлар томонидан бошқарилган. Чиғатой улуси ташкил топган дастлабки йилларда мўғул бошлиқлари маҳаллий бошқарув ишларига деярли аралашмаган. Бунга турли омиллар сабаб бўлиб, биринчидан, ҳукмдор ўз мақсадларини амалга ошириш учун аниқ позицияга эга бўлмаганлиги натижасида, улуснинг ички ишларига Жўчи улуси, Хулагулар хонлари ва ҳоқон доимий аралашиб турган. Иккинчидан, улус ҳукмдорлари турк-мўғул оқсуяклари томонидан ҳам, маҳаллий ҳукмдорлар томонидан ҳам тўла қўллаб-қувватланмаганлар. Учинчидан эса, маҳаллий ҳокимият ва ҳукмдорларнинг манфаатлари бир-бирига мос келмаганлиги боис ҳам хон ва мавжуд тизим ўртасидаги ички зиддиятлар кучайганлигини кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Г. АЧИЛОВА

ЧИНГИЗИЙЛАР ДАВРИ МОВАРОУННАХР МАЪМУРИЙ БОШҚАРУВИДА МАРКАЗИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ АНЪАНАЛАР

Мақола Ўрта Осиё тарихининг барча соҳаларида, жумладан, маъмурий бошқарувда ҳам энг муаммоли ҳисобланган Чингизийлар давридаги ҳолатга бағишланган. Унда давлат бошқарувининг кўчманчи ва маҳаллий анъанавий бошқаруви усуллари ҳақида маълумот берилган. Шунингдек, марказий ва ўтроқ бошқарувдаги давлат мансаблари ва унда иштирок этган мансабдор шахсларга эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: мўғуллар истилоси, маҳаллий бошқарув, кўчманчилик анъаналари, Ўқтой, Чигатой, Ҳоқон, улус хони, доруға, малик, садр, Кебек, ўтроқлашув, Тармаширин.

Г. АЧИЛОВА

ОСОБЕННОСТИ ЦЕНТРАЛЬНОГО И МЕСТНОГО УПРАВЛЕНИЯ В МАВЕРАННАХРЕ В ПЕРИОД ЧИНГИЗИДОВ

Статья посвящена вопросам административного управления в истории Центральной Азии в период существования Чингизидов, который является самым сложным в истории региона. В статье представлена информация о кочевых и оседлых формах правления. Более того, автор обращает внимание на административные ряды в центральном и местном управлении, с указанием официальных лиц, принимающие в нем участие.

G. ACHILOVA

FEATURES OF CENTRAL AND LOCAL MANAGEMENT IN MAVERANNAHR IN THE PERIOD OF CHINGSIDES

The article is devoted to issues of administrative management in the history of Central Asia in the period of Chingizids, which is the most difficult in the history of the region. The article provides information on nomadic and sedentary forms of government. Moreover, the author draws attention to the administrative series in central and local government, indicating the officials taking part in it.

Ж. ЯКОБЖАНОВ

ҚЎҚОН ХОНЛИГИ МАРКАЗИЙ БОШҚАРУВИДА УНВОН ВА МАНСАБЛАР

Қўқон хонлигининг марказий бошқарув тизими Бухоро ва Хива хонликлари бошқарув тизимига нисбатан кам ўрганилган масала саналади. Қўқон хонлиги тарихининг у ёки бу масалаларига доир тадқиқотларда хонлик бошқаруви умумий ҳолатда ўрганиб келинган. Хонликнинг бошқарув тизими ва унда мавжуд бўлган мансаб ҳамда унвонлар ҳақидаги маълумотлар ўша даврда яратилган манбаларда келтирилган. Бу маълумотларни қиёсий ўрганиш, таҳлил этиш ва умумлаштириш орқали мазкур масалага ойдинлик киритиш мумкин.

Қўқон хонлигида давлатнинг бошқарув тизимида муҳим мансабларда фаолият юритган амалдорларни икки тоифага бўлиш мумкин. Булар дунёвий ҳамда диний амаллар эгалари бўлиб, дунёвий ишларга масъул амалдорлар “умаро”, диний вазифадагилар “уламо” деб юритилган. Шунинг учун ҳам манбаларда давлатнинг бошқарув тизимида “умаро” ва “уламо” атамалари кўп учрайди.

Муҳаммад Ҳакимхон тўра “Мунтахаб ут-таворих” асарида хонлик марказий бошқарувида бешта вазир бўлганлигини, бу вазирлар XIX асрнинг бошларига қадар хонликнинг бошқарув тизимида фаолият кўрсатиб, давлатнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ислохотларни амалга оширишга масъул бўлганлигини, вазирлардан бири девонбеги деб аталганлигини қайд этади¹. Бундай маълумотлар бошқа манбаларда учрамайди. Мазкур маълумотдан давлатнинг марказий бошқарув тизимида бешта асосий вазир бўлганлиги ва улардан бири девонбеги мансабини эгаллаганлиги маълум бўлади. Хонлик марказий бошқарув тизимидаги беш вазирдан яна бири кўшбеги бўлиб, бу хусусда ҳам “Мунтахаб ут-таворих” асарида маълумот берилади². Фикримизча, учинчи вазир иноқ унвонига эга бўлган мансабдорлар бўлса керак³.

¹ Девонбеги-хон девонининг сардори ҳақида. *Қаранг*: Воҳидов Ш., Холиқова Р. Марказий Осиёдаги давлат бошқаруви тарихидан (XIX-XX аср бошлари). Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. 15-б.

² Ўша асар. 227-бет.

³ Махмудов Ш. Қўқон хонлигининг маъмурий-бошқарув тизими (1709-1876 йй). Тарих фан. номз. дисс. Тошкент, 2007. 67-б.

Олимхон 1806 йилнинг май ойида Ўратепага қилган ҳарбий юришида ғалабага эришиб, бу вилоятга Қадам иноқни ҳоким этиб тайинлайди. Ҳукмдорлар марказий бошқарувга юқори мавқедаги ва ўзига яқин мансабдорларни вилоятларга ҳоким этиб тайинлаган.

XIX асрнинг бошларидаги Қўқон хонлигига оид асарларда шу давргача бўлган тарихий жараёнлар, тахтга ўтирган ҳукмдорлар ва уларнинг давлат бошқарувида олиб борган фаолиятлари ёритилган. Бироқ уларда мансаб ва мансабдорлар номи XIX асрнинг бошларидан кейинги даврларда ёритилганларига қараганда кам учрайди. Шунинг учун ҳам хонлик марказий бошқарув тизимини, хусусан, Муҳаммад Ҳакимхон Тўра эътироф этган беш вазирдан айримларининг қандай мансаб ва унвонга эга бўлганлигини ҳамда уларга қандай вазифалар юклатилганлигини аниқлаш қийин.

XIX асрнинг бошларига келиб, Қўқон хонлигини идора этишда бир қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Олимхоннинг (1798-1810) мамлакат ҳудудини кенгайтириш борасида олиб борган ҳарбий ҳаракатларини Умархон (1810-1822) давом эттириб, марказлашган давлатни кучайтиришга ҳаракат қилди. Умархон тахтга ўтирган йилидан бошлаб савдо дипломатик алоқаларни йўлга қўйиб, марказий ҳокимиятда бир қатор янги вазифа ва мансабларни жорий қилди. “Мунтахаб ут-таворих” асарида Қўқон хонлари Олимхон, Умархон ва Муҳаммад Алихон ҳукмронлик қилган давр кенгрок ёритилган ва хонлик марказий бошқарувига оид бир қанча маълумотлар келтирилган. Бу маълумотларга кўра, давлат бошқарувидаги турли мансаб ва амалларга олий ҳукмдорнинг буйруғи билан тайинланган. Буни асар муаллифи 1815 йилда Умархон бир неча шахсларни садр, девонбеги, мирзабоши, қўшбеги, парвоначи этиб тайинлаганлигини келтириб ўтган. Булар ҳақида Қўқон хонлигининг марказий бошқарув тизимидаги мансабдорларнинг фаолиятини ўрганиш орқали ойдинлик киритиш мумкин. Давлат бошқарувида олий ҳукмдордан кейинги ўринда бош вазиртурган, у мингбоши номи билан аталган. Қўқон хонлиги бош вазири бўлган мингбоши ва унинг фаолияти хусусида В. Наливкин, “... ушбу амалдор давлатнинг барча ички ишларини бошқариб, шу билан бирга, ташқи сиёсий ишларда ҳам хоннинг бош маслаҳатчиси бўлган”⁴, – деб ёзади.

Шу ўринда хонлик тарихига оид манбаларда Умархон давригача мингбоши номи учрамайди. Бу мансаб Умархон томонидан таъсис этилиб, 1810 йилда унга Шоҳи Марғилоний исмли шахс тайинланганли-

⁴ Наливкин В. Краткая история Кокандского ханства. Казань: Типография императорского университета. 1886. 112-б.

ги бир неча манбалардан маълум⁵. Лекин бу билан Қўқон хонлигида, Умархон ҳукмронлигига қадар бош вазир вазифасини бажарадиган мансабдор бўлмаган деган хулосага келмаслик керак. “Мунтахаб ут-таворих” асарида келтирилган Норбўтабий ҳукмронлиги даврида бош вазир тўғрисидаги маълумот бу масалага ойдинлик киритади. Мазкур асарда Хўжанд вилояти ҳокими Абдурахмон Баҳодирнинг қўшбеги мансабида фаолият юритган укаси Норбўтабийнинг бош вазири бўлганлигига ишора қилинади. Муаррих томонидан Абдурахмон Баҳодирнинг укасининг асл исми тилга олинмаган. Унинг қўшбеги деб аталиши қўшбеги мансабида бўлганидан далолат беради. Ушбу тарихий маълумотлар Умархонга қадар давлатда бош вазир вазифасини қўшбеги бажарган дейишга асос бўлади. Умархон давридан қўшбеги лавозими мингбоши номи билан алмаштирилган. Маълумки, Бухоро амирлигида ҳам бош вазир лавозимини қўшбеги амалга оширган. Бухоро хонлиги таркибидан ажралиб, мустақил давлат сифатида шаклланган Қўқон хонлигида бошқарув тизими ҳам дастлаб Бухородан андоза олиб ташкил қилган. Кейинчалик хонлик маъмурий бошқарув тизимида ислохотлар ўтказилиб, мансаблар ва мансабдорлар фаолияти ўзгариб борган. Мингбоши лавозимининг таъсис этилиши шу ислохотлар натижасидир. Қўқонда мингбоши мансабининг мавқеи кейинги ҳукмдорлар даврида янада ошди. Жумладан, Шералихон (1842-1845) ҳукмронлигидан бошлаб, мингбоши мансабининг мавқеи давлат бошқарувида ошган бўлса, Худоёрхон (I – даври 1845-1858) ва Султон Сайидхон (1863-1865) даврида ушбу мансаб эгаси давлат бошқарувида тўлиқ ҳукмронликни қўлга олган.

Қўқон хонлиги давлат бошқарувнинг 40-50 йилларида мингбоши мансабининг бундай энг юқори поғонага кўтарилишининг бир неча сиёсий сабаблари бор эди, албатта. Биринчидан, ҳукмдорлар Худоёрхон ва Султон Сайидхон тахтга ёш ўтказилган. Ушбу ҳукмдорларнинг тахтга ўтиришида ва давлатни бошқаришида, айнан, уларнинг бош вазири, яъни Худоёрхон учун Мусулмонқули, Султон Сайидхон учун Алиқули амирлашкар муҳим ўрин тутган. Иккинчидан, тахтга даъвогарликда гуруҳбозлик кучайган. Бу эса, ўз навбатида, давлат бошқарувининг ишончли ва кучли қўлларда бўлишини талаб қилган. Юқоридагилардан кўринадики, Қўқон хонлигида мингбошига жуда катта ҳуқуқ ва имкониятлар берилган ва шу билан бирга давлат бошқарувида унга жуда катта масъулиятлар юклатилган.

⁵ Мулла Олим Махдум Ҳожи. Тарихи Туркистон. Тошкент: Шарқ. 1995. 37-б.; Махмуд Ҳаким Яйфоний. “Хуллас ут-таворих” Тошкент: Шарқ. 1995. 26-б.; Каранг.: Махмудов Ш. Қўқон хонлигининг маъмурий-бошқарув тизими (1709-1876 йй.). Тарих фан. номз. дисс. ... 77-б.

возимидаги кишилар назорат қилган¹³. Марказий бошқарув тизимида меҳтар лавозимида бир амалдор фаолият юритиб, пойтахтга келган савдо карвонлари ва улардаги моллар хусусида олий ҳукмдорга маълумот берган. Хонликнинг бошқа чегара ҳудудларида ҳам ташқи савдо карвонларини назорат қилувчи ҳудудлар бўлиб, бу ҳудудлар ҳам меҳтар назоратида бўлган. Ш. Маҳмудовнинг фикрича, меҳтарнинг вазифаси молия вазирига эмас, божхона ва закот ишлари бошлиғи вазифасига тўғри келади¹⁴.

Хонлик марказий бошқарув тизимида ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга мансаблардан дастурхончидир. Дастурхончи саройда олий мартабали меҳмонлар учун уюштирилаётган ва турли байрамлар ўтказиладиган маросим, кечаларни ташкиллаштириб, бошқариб бориш билан бир қаторда давлатнинг бош хазинабони ҳам ҳисобланган. Қўқон хонлигида дастурхончи марказий бошқарув мансабига киритилган. В. В. Веляминов-Зернов уни бош ғазначи, деб изоҳлайди ва марказий ҳокимиятнинг асосий мансабларидан бири деб кўрсатади¹⁵. Дастурхончи давлат хазинасини идора этиш билан бирга мамлакатнинг сиёсий ҳаётида ҳам фаол иштирок этган. Жумладан, 1831 йилда имзоланган Қўқон хонлиги фойдасига Қашқардан бож йиғиш бўйича Пекин шартномасини тайёрлаш ва имзолашда Қўқон давлати номидан Маҳмуд дастурхончи иштирок этган. Абу Убайдуллоҳ ҳам “Хулосат ул-аҳвол” асарида Маҳмуд дастурхончини Муҳаммад Алихоннинг вазирларидан бири эканлигини таъкидлайди¹⁶.

Марказий бошқарув тизимида юқори мавқеига эга бўлган унвонлар ҳам бўлган. Шулардан бири “оталиқ”дир. Оталиқ унвонига эга бўлган киши давлат бошқарувида, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида ҳукмдорнинг бош маслаҳатчиси бўлган.

Марказий бошқарувда “рисолачи” томонидан олий ҳукмдор билан вилоят ҳокимлари, бирор хизмат билан пойтахтдан узоқда бўлган мансабдорлар, мамлакатларнинг турли ҳудудларида ўрнашган мунтазам қўшин бошлиқлари, уруш ҳолатида қўмондонлар ўртасида ёзишмаларни олиб бориш, ҳукмдорнинг хоҳиш-иродасини турли шахсларга билдириш, хар хил масалалар бўйича йўл-йўриқ ва дастуриламалларни етқа-

¹³ Хорошхин А. П. Очерки Кокана // Туркестанский сборник. Т/116. 48-б.; Каранг. Маҳмудов Ш. Қўқон хонлигининг маъмурий-бошқарув тизими (1709-1876 йй.). 85-б.

¹⁴ Маҳмудов Ш. Қўқон хонлигининг маъмурий-бошқарув тизими (1709-1876 йй.). 85-б.

¹⁵ Веляминов-Зернов В. В. Сведения о Кокандском ханстве // Вестник Имперского Русского географического общества. СПб., 1856. Т. 18. 114-бет.

¹⁶ Маҳмудов Ш. Қўқон хонлигининг маъмурий-бошқарув тизими (1709-1876 йй.). 22-б.

зиш каби вазифани амалга оширган. Қўқон хонлиги марказий бошқарув тизимида рисолачи ўрта даражадаги нуфузли мансабдор ҳисобланган бўлса-да, XIX асрнинг ўрталарига келиб, ушбу мансаб эгасининг давлат бошқарувида мавқеи ортган. Худди шу даврда Қўқон хонлигида ушбу вазифада Қулбобо рисолачи хизмат қилган, у мамлакатнинг сиёсий ҳаётида муҳим ўзгаришлар тепасида турган кишилардан бири бўлган¹⁷. У Худоёрхоннинг мустақил ҳукмронликни ўз қўлига олишида, яъни унинг Мусулмонқули васийлигидан қутулишида катта ёрдам берган кишиларнинг бири бўлган.

Қўқон хонлигининг марказий бошқарув тизимида “иноқ” унвонига эга бўлган шахс олий ҳукмдорнинг мулозимлари ичида энг юқори мартабалиси бўлиб, бу унвонга бир киши сазовор бўлар эди. Олимхон (1798-1810) 1806 йилда Ўратепа вилоятини Қўқон тасарруфига киритганидан кейин вилоятга Қадам иноқни ҳоким қилиб тайинлайди. Маълумки, Ўратепа вилояти Қўқон ва Бухоро ўртасида кўп тортишувларга сабаб бўлган худуд ҳисобланган. Олимхон бу вилоятни қўлдан бермаслик мақсадида ўзига яқин бўлган мулозимини ҳоким этиб тайинлашга қарор қилган.

Қўқон хонлигининг марказий давлат бошқарувида сиёсий-иқтисодий ишларни бажарадиган мансабдорлар билан бир қаторда диний-ҳуқуқий соҳани бошқарадиган олий мартабали мансабдорлар ҳам фаолият юритган. Хонликнинг ҳуқуқий тизими шариат асосида олиб борилганлиги сабабли, аҳолининг ижтимоий-маънавий ҳаётида диний-ҳуқуқий вазифалардаги мансабдорлар муҳим ўрин тутган. Давлатнинг марказий бошқарувида энг олий диний мансаб шайхулислом бўлиб, бу мансабни Ш. Воҳидов Умархон томонидан 1818 йилда таъсис этилган, деб кўрсатади¹⁸. Шу даврга қадар шайхулислом мансаби бўлганлиги тўғрисида маълумотлар деярли учрамайди. Шайхулислом мансаби давлат бошқарувида хонликда нуфузли мансаб бўлиб, унинг ваколатига жамият аъзолари орасида келиб чиқадиган низоли масалаларни ҳал этиш, аҳолининг арз-додига кулоқ тутиш ва яхши ишларга ундаш, ёмон хатти-ҳаракатлардан қайтариш, етимлар ва йўқолган кимсалар мол-мулкига ҳукм чиқариш шайхулислом зиммасига юклатилган. Қўқон хонлиги марказий бошқарув тизимида мамлакат суд ишларини амалга оширадиган қозиларнинг турли можароли масалалар бўйича чиқарган ҳукмлари ва қозиларнинг

¹⁷ Мирзо Олим Мушриф. “Ансоб ус-салотин”. Тошкент: Шарқ, 1995. 48-49-б.

¹⁸ Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида унвон ва мансаблар // Шарқ юлдузи. 1995. № 3-4. 222-б.; Воҳидов Ш., Холиқова Р. Марказий Осиёдаги давлат бошқаруви тарихидан (XIX-XX аср бошлари). 19-б.

фаолияти устидан назоратни амалга оширувчи шайхулисом лавозими муҳим ўрин тутди. Шайхулисом марказий ва маҳаллий бошқарув тизимида муҳим ўрин тутган қозикалон мансабига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига ҳам эга бўлган. Тошкент вилоятининг 1863-1865 йиллардаги қозикалони Ҳакимхожа эшон бу лавозимга шайхулисом Сулаймонхожа томонидан олий ҳукмдорга тавсия қилинган¹⁹. Бу мансабдаги кишилар бошқа вазифага ўтказилмаган ёки вазифасидан бўшатилмаган.

Хожикалон унвонига эга бўлган диний мансабдорлар хонлик марказий бошқарувида шайхулисомдан кейинги ўринда турган. Ш. Воҳидов хожикалон унвонидаги кишига фикҳ олими, деб таъриф берган. Хонликнинг марказий бошқарувида икки хожикалон тайинланганлиги бежиз эмас. Бу икки фикҳ олими давлат ишлари, ҳукмдорнинг фармон ва қарорлари шарият қонунлари асосида бўлиши ёки шариятга мос келишига масъул шахслар бўлган. Давлат идоралари ишларида шаърий қонунларнинг бузилмаслиги қаттиқ назорат остига олинган. Бунда олий ҳукмдор хожикалонларга таяниб, иш юритган. Ушбу ҳолатни вилоятлар марказида мазкур мансаб эгаси фаолият юритганлиги, улар олий ҳукмдор томонидан тайинланганлиги ҳақидаги мавжуд ёрликлар ҳам тасдиқлайди²⁰.

Марказий бошқарув тизимида “қозикалон” адлия ва ҳуқуқ тартибот ишларига масъул лавозим ҳисобланган. Шунингдек, вилоят марказларида мавжуд маҳаллий бошқарув тизимида ҳам қозикалон мансаби бўлган. Қозикалон “...пойтахт ва вилоят марказларидаги қозиларнинг ва қозихона ишларининг устидан назорат қиларди”²¹, – дейилган. Қозикалонлар фақат қозилар ва қозихона ишлари устидан назоратни амалга оширмай, фуқароларнинг турли ҳуқуқий масалалари бўйича ҳукмлар чиқарган ва бу ҳақда олий ҳукмдор ёки вилоят ҳокимига ёзма баёнотлар тайёрлаганлар.

Қўқон ҳарбий ишлар қозиси вазифасида “қози аскар” фаолият юритган. Қози аскар ўз навбатида, марказий давлат бошқарувидаги судлов масалалари бўйича бош мансабдор қозикалонга бўйсунган.

Умархон ҳукмронлиги даврида хонликнинг бошқарув тизимида “Ўроқ” ва “судур” каби диний унвон эгалари фаолият юритган. Бу унвон эгалари вазифасига вақф мулкларини назорат қилиш кирган. Ш. Воҳидовнинг таъкидлашича, “Ўроқ” вақф ерларининг хирож ва солиқларига,

¹⁹ Тошканд шаҳрини улуғ ҳурматлик қози калони Сайид Муҳаммад Ҳакимхўжа эшон Норхўжа эшон ўғли аҳволлари хусусида // Туркистон вилояти газети. 1890. №-46.

²⁰ Материали по истории Ура-Тюбе. Сборник актов XVII–XIX вв. Составление перевод и предисловие А. Мухтаров. М., 1963. 58-б.; Махмудов Ш. Қўқон хонлигининг маъмурий-бошқарув тизими (1709-1876 йй.). 92-б.

²¹ Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида унвон ва мансаблар // Шарқ юлдузи. 1995. № 3-4. 222-б.

“Судур” эса вақф мулкларининг даромадлари ва ҳисоб-китобига жавобгар шахс бўлган.

Шундай қилиб, Қўқон хонлиги марказий бошқарув тизимида оид маълумотлардан шундай фикрларга келиш мумкин. Хонликнинг марказий бошқарув тизими ўз тараққиётида уч босқичдан ўтган. Биринчи босқич хонликда марказий давлат бошқарув тизимининг шаклланишидир. 1709 йилдан 1800 йиллар давомида бу даврда янги тузилган ҳамда сиёсий жиҳатдан ривожланиб бораётган давлат, катта ҳудудни қамраган давлатни бошқариш учун бошқарув тизимини Ўрта Осиёда мавжуд бўлган давлатчилик асослари негизида ривожланганлигидир. Хонлик марказий бошқарув тизимининг иккинчи босқичи 1800-1842 йилларни ичига олади. Бу даврда мамлакатда кечган сиёсий жараёнлар, иқтисодий ва маданий ҳаётдаги ривожланиш, ҳукмдорларнинг ички ва ташқи сиёсатларини, жамият билан алоқаларини муайян бошқарув тизимида таяниб юритгани, бу тизимни такомиллаштириш борасида бир қатор тадбирларнинг амалга оширилгани, марказий бошқарув тизимида хонликда мавжуд бўлмаган мансабларнинг жорий этилиши билан тавсифланади. Бу даврда хонликда бир қатор ислохотларнинг амалга оширилиши натижасида, ўз даврининг мураккаб бошқарув тизими юзага келди. Учинчи босқич эса 1842-1876 йилларни ўз ичига олган. Бу даврда мамлакатни ҳукмдор эмас, уларнинг васийлари томонидан бошқарилганлигини кўриш мумкин. Улар ҳокимиятни узоқ вақт қўлда ушлаб туриш мақсадида бошқарувнинг авторитар услубидан фойдаланган. Марказий бошқарув тизимидаги кўпгина мансаб ва амалларнинг ваколати қисқарганлиги ёки йўқ қилинганлиги натижасида, бу даврда марказий бошқарув тизими соддалашган, шунингдек, айрим мансабларнинг вазифаси бошқа мансабдорнинг зиммасига юклатилган. Бу ҳол, ўз-ўзидан, мазкур мансабларнинг номи ҳам тугатилганлигидан дарак беради.

Ж. ЯКОБЖАНОВ

ҚЎҚОН ХОНЛИГИ МАРКАЗИЙ БОШҚАРУВИДА УНВОН ВА МАНСАБЛАР

Ушбу мақолада Қўқон хонлигининг марказий бошқарув тизимида мажуд бўлган унвон ва мансаблар ҳақида фикр юритилган. Мақолада нафақат мансаб ва унвонлар балки, мансабдорлар ҳамда амалдорларнинг мамлакат ҳаётидаги ўрнига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Қолаверса, ҳар бир ҳукмдор томонидан янги унвон ва мансабларнинг таъсис этилиши ҳамда қайси бир унвон, мансабга эътибор кучайганлиги ёки аксинча ҳолатлар ҳам мақолада келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: Қўқон хонлиги, унвон, мансаб, марказий бошқарув, мингбоши, қўшбеги, мирзабоши, парвоначи, дастурхончи меҳтар, иноқ, шайхулислом, хожикалон, бож, ғазна.

Ж. ЯКОБЖАНОВ

ЗВАНИЯ И ДОЛЖНОСТИ В СИСТЕМЕ ЦЕНТРАЛЬНОГО УПРАВЛЕНИЯ КОКАНДСКОГО ХАНСТВА

В статье рассматриваются звания и должности центрального управления ханства. Статья посвящена не только изучению названий должностей, но и роли званий и должностных лиц в жизни страны. Кроме того, в статье также подчеркивается создание новых титулов и различных полномочий каждым новым правителем, а также увеличение их ранга или уничтожения полномочий тем или иным правителем.

J. YAKOBIANOV

TITLES AND POSITIONS IN THE SYSTEM OF THE CENTRAL MANAGEMENT OF THE KOKAND KHANATE

The article discusses the ranks and positions of the central administration of the khanate. The article is devoted not only to the study of job titles, but also the role of titles and officials in the life of the country. In addition, the article also emphasizes the creation of new titles and various powers by each new ruler, as well as an increase in their rank or the destruction of the powers of a particular ruler.

С. МАДЬЯРОВА

**ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИНИНГ ВУЖУДГА
КЕЛИШИ ВА ФАОЛИЯТИГА ОИД ДАСТЛАБКИ
ИЛМИЙ ҚАРАШЛАР**

1917 йилги Октябрь тўнтаришидан сўнг совет ҳукумати янги тузумни ҳаётга тадбиқ этиш ва ўз мафқурасини маҳаллий оммага сингдириш йўлида тарих фанидан самарали фойдаланди. Тарихий воқеаларни таҳлил қилишда тадқиқотчилар биринчи навбатда, синфийлик ёндошув асосида пролетариат инқилобий стратегиясининг илмийлиги ва тўғрилигини кўрсатиб беришлари лозим эди. Совет давлатчилиги назарий методологик асосининг яратилишида эса ҳукумат раҳбарларининг давлатчилик сиёсатига бағишланган асарлари етакчи ўрин тутди¹. Айниқса, мазкур назариёни ривожлантириш ва бу йўлдаги «ёт қарашлар»ни фош қилишда ўша пайтда миллий ишлар бўйича комиссар лавозимида фаолият олиб борган И. В. Сталиннинг мақола ва асарлари ҳам алоҳида хизмат кўрсатди. «Чекка ўлкалардаги «ҳукуматларнинг» кураши, – деб ёзади у, буржуа аксилинқилобининг социализмга қарши кураши эди ва шундай кураш бўлиб қолмоқда ҳам. Миллий байроқ машхурлигидан ва миллий буржуазиянинг аксилинқилобий ниятларини яшириш учун қулай ниқоб бўлганлигидан оммани алдаш чораси сифатида ишлатилади»². Бундай ёндошув албатта совет тарихчиларининг методологик тамойилларига таъсир этмай қолмади. Октябрь тўнтаришининг «буюк, оламшумул» аҳамиятини кўрсатилиши, шу қаторда, Туркистон мухторияти учун бўлган ҳаракатларни «буржуача» деб таърифлаш – совет тарихчиларининг асосий мезонига айланди.

20-йиллардан бошлаб Коммунистик партия ҳамда совет ҳукумати-нинг миллий масалаларга оид ҳужжатлари нашрдан чиқарила бошлади³.

¹ Ленин В. И. О культурно-национальной автономии. Полн. собр. соч. Т. 24. Москва, 1973. 160-182-бетлар; Ўша муаллиф. О праве наций на самоопределение. Полн. собр. соч. Т. 25. Москва, 1969. 255-320-бетлар; Ўша муаллиф. Социалистическая революция и право наций на самоопределение. Полн. собр. соч. Т. 27. Москва, 1969. 252-266-бетлар; Ўша муаллиф. Критические заметки по национальному вопросу. Полн. собр. соч. Т. 34. Москва, 1969. 113-150-бетлар; Ўша муаллиф. Очередные задачи советской власти. Полн. собр. соч. Т. 36. Москва, 1974. 165-208-бетлар; Ўша муаллиф. К вопросу о национальностях или об «автономизации». Полн. собр. соч. Т. 45. Москва, 1970. 356-362-бетлар ва б.

² Сталин И. В. Полн. собр. соч. Т. 4. Москва, 1947. 170-бет.

³ Политика советской власти по национальному вопросу за три года (1917 – ноябрь

Туркистон мухторияти тарихи масалалари билан боғлиқ дастлабки илмий нашрларни вужудга келиши ҳам айнан шу даврга тааллуқли.

Октябрь тўнтариши билан боғлиқ воқеаларни илмий жиҳатдан ўрганиш вази­фасининг қўйилиши ҳамда совет тарих фани учун илмий кадрларни тайёрлаш мақсадида турли илмий тадқиқот муассасаларнинг ташкил этилиши муаммони ўрганишга сезиларли таъсир кўрсатган омиллардан бири бўлди.

1920 йил 21 сентябрда В. И. Ленин кўрсатмасига биноан, Маориф халқ комиссарлиги ҳузурида Октябрь инқилоби ва коммунистик партия тарихи материалларини йиғиш ва ўрганиш бўйича махсус тадқиқот комиссияси таъсис этилди. “Истпарт”⁴ деб номланган мазкур комиссиянинг жойлардаги бю­ролари ҳам ташкил этилди⁵. Жумладан, 1921 йил 7 декабрда Туркистон Республикаси Марказий Ижроия Кўмитаси (МИК) ҳузурида шундай комиссия тузилди. У 20-йиллар давомида Туркистонда фуқаролар уруши тарихини ўрганиш бўйича асосий илмий тадқиқот маркази сифатида фаолият олиб борди. Мазкур муассасага, дастлаб, Н. Тўрақулов, кейинроқ, С. Муравейский бошчилик қилди. Унинг таркибида Н. Тўрақулов, Е. Федоров, С. Муравейский, Т. Рисқулов, Я. Рудзук каби сиёсий ар­боблар фаолият олиб бордилар.

1922 йили марказий Истпарт томонидан бутун мамлакат ижтимоий фан соҳа вакиллари учун махсус 1917-1921 йиллар оралиғидаги воқеаларни ўрганиш дастури ишлаб чиқилди. Унга кўра, Октябрь тўнтариши, «фуқаролар уруши», миллий партия қурилиши ва бошқа масалалар чуқур ўрганилиб, олинган натижалар бўйича умумлашган йирик моно­график тадқиқот тайёрланиши лозим топилди ва унга “катъий марксча баҳо берилиши” шартлиги таъкидланди⁶. Бу эса илмий ташкилотларнинг муаммога оид тадқиқотларида концептуал ёндошувларга кучли таъсир кўрсатди. Туркистон Истпарти томонидан ўлкада Октябрь тўнтариши,

1920 гг.). Москва: Госиздат, 1920. 185-б; Материалы к IX съезду советов рабочих, крестьянских, дехканских, казачьих и красноармейских депутатов Туркестанской советской республики. Ташкент, 1920; Мусбюро РКП (б) в Туркестане. 1-я, 2-я и 3-я Туркестанские краевые конференции РКП (б) (1919–1920 гг.). Ташкент, 1922; Труды III съезда Компартии Туркестанской республики. РСФСР. Ташкент, 1919; За пять лет. 1917–1922 г. Ташкент, 1922. 23-24-бетлар; Шесть лет национальной политики советской власти и Наркомнац (1917–1923 гг.). Москва, 1924. 229-б. ва бошк.

⁴ Истпарт – инқилобий ҳаракатларни ўрганиш комиссияси.

⁵ Бу ҳақда қаранг: Ланда М. Л. Первые центры марксистской исторической науки в Средней Азии // Народы Азии и Африки. Москва, 1972. № 2. 47-бет; Чеботарева В., Раджапова Р. Историко-партийная наука в Узбекистане. Ташкент, 1982. 9-бет.

⁶ Пролетарская революция. Москва, 1922. № 4. 360-бет.

Туркистон мухторияти ҳамда «босмачилик» тарихи билан боғлиқ нашр ишлари⁷ йўлга қўйилди.

Туркистонда миллий давлатчилик масалалари билан боғлиқ тадқиқотларнинг бир нечаси, Туркистон сиёсий бошқармасининг таклифи билан Тошкентда нашр этилган «Военный работник Туркестана», «Военная мысль» каби ҳарбий-сиёсий журнал саҳифаларида ҳамда 1923 йил Истпарт томонидан Туркбюро МҚ РКП (б) қарорига биноан фаолият бошлаб, фақат 1-2 сони нашр этилган «Красная летопись Туркестана» номли тарихий-инқилобий журнал саҳифаларидан ўрин олган.

Мавжуд адабиётлар таҳлилидан келиб чикиб айтиш мумкинки, XX асрнинг 20-йилларнинг ўрталарига қадар Туркистон миллий давлатчилиги масалаларини ўрганишда бирмунча эркинлик ҳукм сургани, яъни тарих фанига ҳали большевиклар мафқурасининг тўла сингдирилмаганлиги кузатилади. Шунингдек, 20-йилларнинг давр ва моҳияти билан ажралиб турувчи нашрларида бир-бирига зид бўлган икки хил қарашлар мавжудлигини кўриш мумкин. Биринчиси – марксизм руҳи ҳали сингиб улгурмаган 20-йилларнинг ўрталарига қадар бўлган давр тадқиқотларидир.

Туркистон мухторияти тарихи билан боғлиқ бирмунча холис баҳолар совет тарихчилари томонидан «эски тарих мактаби» вакиллари сифатида тилга олинган тарихчилар Г. Сафаров, Н. Паскуцкий, Г. Скаловлар ҳамда ўлкада фаолият олиб борган давлат ва жамоат ходимлари ишларида акс этган. Жумладан, Г. Сафаров мухториятчилик ҳаракати Туркистондаги империя мустамлакачилиги сиёсатини давом эттирган совет мустамлакачилиги оқибатида келиб чиққани, уни зўрлик билан ту-

⁷ Солнц И. К истории КПТ // Три года советской власти. Ташкент: Туркгосизд, 1920. 45-46-бетлар; Сафаров Г. Национальная политика // Три года советской власти. Ташкент: Туркгосизд, 1920. 17-33-бетлар; Калашников Ш., Черненко С. Записки о кокандских событиях. (Личные воспоминания красноармейцев Черненко С., Ш. Калашникова) // Коммунистическая мысль. Ташкент, 1920. № 6-7. 34-48-бетлар; Тўрақулов Н. (Дарвиш) Ферганская проблема // Военная мысль. Ташкент, 1920. Кн. 2. 108-118-бетлар; Туркестанский фронт. В кн: Пять лет власти советов. Москва, 1922. 159-160-бетлар; Беленко В. Революционные дни в Коканде. В кн: За пять лет. 1917 г. 7 ноябрь. Ташкент, 1922. 23-24-бетлар; Бауман В. Борьба за власть советов в Ташкенте. Воспоминания. Ташкент, 1922. 22-б; Сазонов. Кокандская автономия. (Воспоминания) // Красная летопись Туркестана. Ташкент, 1923. № 1-2. 88-94-бетлар; Зуев Д. В. В Фергане (Кокандская автономия). В кн: За советский Туркестан. Ташкент, 1923. 49-51-бетлар; Скалов Г. Туркестан на пятой годовщине // Военный работник Туркестана. 1922. № 8-9. 16-бет; Скалов Г. Социальная природа басмачества // Коммунист. 1922. № 7-8. 25-бет; М. Н. Англия и советская Азия (Участие английского империализма в организации контрреволюционных мятежей в Туркестане (1917–1922 гг.) // Спутник коммуниста. 1923. № 7-8. 82-85-бетлар; Захаров Н. Очерки по истории классовой борьбы в Туркестане (Очерк 1) // Спутник коммуниста. 1923. № 7-9. 93-100-бетлар.

гатилиши эса истиқлолчилик ҳаракатини янада кучайиб кетишига олиб келган»⁸ини ёзади. Унинг фикрича, Туркистон аҳолиси совет ҳукумати-ни қўллаб қувватламаган, аксинча, улар жаҳидлар орқасидан борган»⁹. Бу каби қарашлар Н. Пацкуцкийнинг Туркистонда фуқаролар урушига бағишланган рисоласида¹⁰ ҳам учрайди. Тарихчи Г. Скалов ҳам большевиклар ўлкада очикдан-очик ўғрилиқ, талончилик сиёсати олиб боргани¹¹, большевикларнинг «Туркистон буржуазияси устидан диктатура» шиори «маҳаллий халқ устидан пролетариат диктатураси» шиорига айланиб кетганлигини¹² ёзади.

Т. Рискулов, Н. Тўрақулов, Н. Хўжаев, Қ. Отабоев каби маҳаллий муаллифлар ҳам ўз нашрлари орқали советларнинг Туркистонда юритган миллий сиёсатига доир қарашларини ақс эттирган. Жумладан, Туркистон мухторияти фаолияти даврида Кўқон шаҳар совети котиби, кейинчалик ўлкадаги совет ҳокимияти ташкилотларида бир қатор масъул лавозимларда фаолият олиб борган журналист ва ижтимоий-сиёсий давлат арбоби Н. Тўрақулов ўз мақолаларида Туркистон мухториятининг ижтимоий-сиёсий моҳиятини аниқлашга, мухториятчилик ғоясини ислохотчилик ҳаракати сифатида тавсифлашга ҳаракат қилган. Муаллиф ўзининг 1920 йилда нашр қилинган «Кўқон мухторияти» деб номланган мақоласида миллий давлатчилик учун кураш раҳнамоларини «янгилик тарафдорлари», «мусулмон буржуа зиёлилари»¹³ деб атайди. Бу даврдаги мустақиллик йўлидаги интилишларнинг ҳаммаси унинг фикрича, «ўлкадаги мустамлакачилик ҳаётнинг иқтисодий шарт-шароитларидан келиб чикқан»¹⁴. Бироқ, Н. Тўрақулов уч йилдан сўнг худди шу номда нашр қилинган мақоласида эса, Туркистон тараққийпарварлари Россия пролетариати ва тўнтаришининг асосий тамойилларини тўлалигича тасаввур қила олмаганлари, улар «Шўрои Исломия» атрофида ўз ишлари-

⁸ Сафаров Г. Колониальная революция (Опыт Туркестана). Москва: Госиздат. 1921. 75-80-бетлар.

⁹ Ўша асар. 55-бет.

¹⁰ Паскуцкий Н. К истории гражданской войны в Туркестане. Ташкент, 1922. 15-б.

¹¹ Скалов Г. Социальная природа басмачества // Коммунист. Ташкент, 1922. № 7-8. 25-бет.

¹² Скалов Г. Туркестан в пятой годовщине // Военный работник Туркестана. Ташкент, 1922. № 8-9. 16-бет.

¹³ Туракулов Н. Кокандская автономия // Три года советской власти. Ташкент, 1920. 59-60-бетлар; Ўша муаллиф. Кокандская автономия (социально-политическая сущность, общественные группировки и течения, вызвавшие события // Красная летопись Туркестана. Ташкент, 1923. № 1-2. 83-84-бетлар.

¹⁴ Туракулов Н. Кокандская автономия... 63-бет; Ўша муаллиф. Кокандская автономия ... 85-бет.

ни амалга оширмоқчи бўлганликлари¹⁵, бу ҳаракат Қўқонда тўпланган 50-60 тача кўнгиллиларгагина таянган ва фақат рус буржуазияси манфаатларини ҳимоя қилган, либерал буржуазия ва зиёлиларнинг бирмунча қувватли қисминигина қамраб, қуйи қатламларни қамрай олмаган ҳаракат¹⁶ сифатида баҳолаган. Бироқ, мақола сўнггидаёқ, ўзининг бу фикрларига қарама-қарши равишда “мухторият ҳукуматининг сўнгги даврида, айниқса, большевиклар билан кураш кучайган пайтда ҳаракатга мутаассиблар томонидан ташвиқот қилинган кенг кишлоқ аҳоли қатламлари қўшилган”¹⁷лигини ёзади.

Туркистон давлат арбобларидан бири Т. Рискулов ҳам 1917 йилда Қўқонда чакирилган мусулмонларнинг Фавқулодда IV курултойини “маҳаллий ва ўнг зиёлилар съезди”¹⁸ деб атади. Мухторият ҳукуматининг тормор этилиши муаллифнинг эътироф этишича, Туркистон аҳолисининг ҳаёти учун кейинги йилларда вужудга келган оғир оқибатлар ҳамда халқнинг совет ҳукуматига бўлган ишончсизлигини вужудга келишида катта ўрин тутган. У советларнинг Туркистон ўлкасида юритган шовинистик ва мустамлакачилик сиёсати ҳамда шунинг натижасида келиб чиққан ва келгусида қутилаётган салбий оқибатлар ҳақида¹⁹ ҳам сўз юритади.

Туркистон Халқ Комиссарлари Совети раиси лавозимида фаолият юритган Қ. Отабоев эса 1922 йилнинг 18 июлида Туркистон Марказий ижроия кўмитасининг 4-плениумида сўзлаган нутқида Фарғонада совет ҳокимиятини узок вақт маҳаллий аҳоли билан тил топиша олмаган темир йўл ишчилари ўрнатганликларини қайд этиб ўтган. У бу ҳокимиятнинг ўрнатилиши билан бир пайтда Фарғонада зиёли ва уламоларнинг бир гуруҳи биргаликда мусулмон ишчи ва деҳқонлар курултойини чакириб, унда Туркистон мухторияти ҳукумати сайлангани ҳақида ҳам фикр билдирган. Унинг таъкидлашича, «мухториятни большевиклар аксиланкилобий ҳукумат сифатида тугатишга киришган. Натижада мухторият ҳукумати миллий озодликни ҳимоя қилиш учун мусулмонларни миллий армия сафига киришга даъват этган. Атрофдаги кишлоқлар эса бу чакириққа жавобан Қўқонга кетмон, болта, ов милтиғи ҳамда шу каби қуроллар кўтариб олган оломон оқиб кела бошлаган»²⁰.

¹⁵ Туракулов Н. Кокандская автономия. ... 62-63-бетлар.

¹⁶ Ўша жойда.

¹⁷ Туракулов Н. Кокандская автономия... 2-7-бетлар; Ўша муаллиф. Кокандская автономия (социально-политическая ... 83-87-бетлар.

¹⁸ Рыскулов Т. Новый Туркестан // Красная казарма. Ташкент. 1923. № 10 (14). 129-бет.

¹⁹ Ўша жойда.

²⁰ ЎзР МДА. Р-17-фонд. 1-рўйхат. 45-йиғма жилд. 6-варак.

«Босмачилик» масалалари хусусида фикр юритган Н. Батманов, Г. Скалов, Д. Зуев, С. Гинзбург, Н. Тўрақулов, Т. Рискулов, И. Хидиралиев, Н. Паскуцкий мақолаларида эса мухториятнинг бостирилиши ва унинг оқибатларига доир умумийлик кўзга ташланади. Яъни уларнинг фикрича, «Туркистон мухториятининг тор-мор этилиши ўлка аҳолиси ҳаёти учун кейинги йилларда вужудга келган оғир оқибатлар ҳамда халқнинг совет ҳукуматига бўлган ишончсизлигини вужудга келишида катта ўрин тутган»²¹.

Ёш совет тарихи мактаби вакиллари ишларида ҳам муаммога бирмунча холис ёндошувларни кўриш мумкин. Масалан, С. Муравейский «Шўро Исломия» ташкилотини «таракқийпарвар демократлар манфаатини ифода этувчи партия»²² сифатида, Е. Федоров эса уларни Туркистонни Россиядан ажратиб олишга қарши²³ ва миллий-озодлик ҳаракатини дунёга келишида раҳбарлик қилган кучлар²⁴ сифатида баҳолаган.

Е. Федоровнинг фикрича, Туркистон таракқийпарварлари «рус аксилинкилобий буржузия билан эмас, янгилик тарафдорлари бўлган рус зодагон ва бойлари билан иттифоқ тузганлар»²⁵.

Афсуски, 20-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб бу каби баҳоларга барҳам берилди. Фанга социализм ғояси таъсирини ўтказиш мақсадида марксист мутахассислар сонини кўпайтиришга эътибор кучайтирилди²⁶. Октябрь тўнтаришидан кейин Туркистонда миллий давлатчилик учун курашлар тарихи муаммолари билан 20-йилларнинг охирларида Коммунистик ўқув юртларида махсус тайёргарлик кўриб қайтган В. Л. Лаврентьев, Е. М. Федоров, П. Антропов, Л. Резцов, Л. Готфрид, С. Д. Муравейский,

²¹ Батманов Н. Басмачество и борьба с ним // Красная армия. Ташкент, 1921. № 9. 29-бет; Скалов Г. Социальная природа басмачества ... 25-бет; Зуев Д. В. В Фергане / За советский Туркестан. Ташкент, 1923. 49-51-бетлар; Гинзбург С. Басмачество в Фергане // Очерки революционного движения в Средней Азии. Москва, 1926. 47-55-бетлар; Дарвеш. Ферганская проблема // Военная мысль. Ташкент, 1920. Кн. 2. 108-118-бетлар; Рыскулов Т. Революция и коренное население Туркестана. (1917–1919 гг.). Ташкент, 1925. Т. I. 186 с.; Хидиралиев И. Басмачество и народное хозяйства Ферганы // Туркестанская правда. 1922, 16 октября; Паскуцкий Н. К истории гражданской войны в Туркестане. Ташкент, 1922. 15 с.

²² Муравейский С. Д. Материалы по истории Октябрьской революции в Туркестане. Ташкент, 1922. 15-бет.

²³ Федоров Е. Туркистонда октябр ўзгариши. Тошкент, 1924. 10-бет.

²⁴ Федоров Е. Очерки национально-освободительного движение в Туркестане. Ташкент, 1925. 35-бет.

²⁵ Ўша жойда. 14-бет.

²⁶ Бу ҳақда қаранг: Холикова Р. Э. Ўзбекистон тарихи фани ва таълимини ривожлантириш, мутахассислар тайёрлаш (1935-1994 йй.) (ТошДУ Тарих факультети фаолияти мисолида): Тарих фанлари док. дисс... Тошкент, 1995.

П. Алексеенков, М. Цвибак, Ф. Божко каби марксист-тарихчилар шуғулландилар. Улар ана шу концепсияга асосланган тадқиқотларни яратиш билан бирга, Туркистондаги турли илмий-тадқиқот марказларида фаолият олиб бордилар. Тарихчиларнинг асосий эътибори эса Туркистон аҳолиси учун Октябрь тўнтаришининг «буюк, оламшумул» аҳамиятини кўрсатишга қаратилди. Бу даврга келиб энди шаклланган ёш совет тарихчи-марксистлар гуруҳи мухториятчилик ҳаракатини бир томонлама, салбий баҳолай бошладилар. Улар зиммасига маҳаллий аҳолининг янги совет ҳокимиятига бўлган муносабатини ўрганиш вазифаси юклатилди. Бу давр ишларида миллий зиёлилар совет тузуми барқарорлигини бузувчи реакцион куч сифатида баҳоланди.

Маҳаллий халқ гўё советларнинг мухторият ҳукуматига қарши кураши қўллаб-қувватлаганлиги С. Муравейский рисоласида²⁷ ўз аксини топди. Унда Туркистон мухториятини «буржуазия билан зиёлиларнинг совет ҳокимиятига қарши уюштирган аксинкилобий ҳукумат» деб кўрсатилди²⁸. Ваҳоланки, муаллиф мазкур рисолада ўз хулосасига қарама-қарши фикр билдиради, яъни у 1917 йилнинг 15-25 ноябр кунлари Тошкентда бўлиб ўтган советларнинг III ўлка курултойи ҳақида сўз юритар экан, бу съезд «тор бир табақа европалик йўқсилларнинг ва муштумзўр деҳқонларнинг ҳукумати бўлганлиги, йўқсилларнинг оврўпалик қатлами совет ҳукуматига «Русиядан келган ҳукумат» деб қараб, ҳалигача ишониб етмаган ерлик халқни ҳукумат қурилишига тезгина жалб қила олмаган»²⁹лиги ҳақида ёзади.

Ёш марксчи тарихчиларидан яна бири, Туркистоннинг турли ўқув муассаларида фаолият олиб борган Е. Федоровнинг мақоласида ҳам Туркистон мухторияти ҳукумати тарафдорлари «рус чиновниклари ва Кавказ фронтидан қайтаётган Урал казаклари ёрдамига таянган»³⁰, деб кўрсатилади.

Умуман олганда, марксча ёндошув асосида ёзилган дастлабки тадқиқотларда муаллифлар томонидан муаммони ёритишда жиддий камчиликларга йўл қўйилганига қарамай, уларда эски услубий ёндошувларнинг таъсири, ўз фикрини айтишга интилиш, тасвирланаётган воқеалар ва далилларни танқидий таҳлил қилиш каби жиҳатлар кўзга ташланади. Масалан, Е. Федоровнинг большевикларнинг «ҳамма ҳокимият

²⁷ Муравейский С. Д. Очерки революционного движения в Средней Азии. Ташкент, 1926. 37-бет.

²⁸ Ўша жойда.

²⁹ Ўша жойда.

³⁰ Федоров Е. К истории Компартии Туркестана // Коммунистическая мысль. Ташкент. 1926. № 2. 48-92-бетлар.

советларга» шиори «янги ҳукумат таркибида фақат рус ишчи, солдатлари бирлашишига» шароит туғдиргани ва бу эса ўз навбатида миллий буржуазиянинг совет ҳокимиятига қарши ташвиқот олиб бориши учун имконият яратиб берганлиги³¹ борасидаги қарашлари эътиборга лойик.

1927 йили Е. Федоровнинг мазкур мақоласи Е. Зелькина томонидан таҳлил қилинди. Е. Зелькина Е. Федоровни «Туркистон партия ташкилотларида совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида, советларнинг улуғрус шовинизми қолдиқлари таъсири бўлганлиги ва улар миллий масалани тўғри тушунмаганликлари ҳақида тўғри ёзган бўлса ҳам, партиянинг миллатчилик билан олиб борган курашларини таҳлил қилиб бермаган»³²ликда айблади.

Туркистон жадидларини «тараккийпарвар мафкурачилар» сифатида баҳолаган Ф. Хўжаев, Т. Рисқулов, С. Гинзбург мақолалари³³ эса Г. Туркестанский мақолалари орқали³⁴ танқид остига олинди.

Туркистон аҳолисини инқилоб арафасида, мухторият даврида ва ҳатто ундан кейинги даврда ҳам большевик ҳукуматига хайрихоҳ бўлмаганлиги Октябрь тўнтариши ва «фуқаролар уруши»га бағишланган бир неча тадқиқотларда ҳам яққол кўзга ташланади. Жумладан, Л. Резцовнинг 1927 йилда нашр этилган «Туркистонда Октябрь» номли асариди³⁵ муаллиф маҳаллий аҳолининг турли гуруҳларини совет ҳокимияти амалга ошираётган тадбирларга муносабатининг ўзига хос томонларини марксча қолиплардан холи тарзда кўрсатиб беришга уринган.

М. Цвибак эса маҳаллий меҳнаткашларнинг Октябрь тўнтаришига муносабати масаласига ёндошганда, уларнинг ҳали «табақаларга бўлинмаганлиги, шу жумладан, мусулмон меҳнаткашларининг «иттифоқлари» ҳам Октябрь тўнтаришига қадар эсер ва энг тараккийпарвар жадидлар орқасидан кетиб, фақат Туркистон мухториятидан кейингина советлар томонига ўта бошлаганини³⁶ таъкидлайди. Миллий тараккий-

³¹ Федоров Е. К истории Компартии Туркестана.... 48-92-бетлар.

³² Зелькина Е. Как не нужно писать историю коммунистической партии Туркестана // Коммунистическая мысль. Ташкент, 1927. № 3. 163-бет.

³³ Очерки революционного движения в Средней Азии. М., 1926. 129-б.

³⁴ Туркестанский Г. Очерки революционного движения в Средней Азии (о сборнике статей Ф. Ходжаева, Е. Федорова, тов. Рыскулова, С. Гинзбурга) // Коммунистическая мысль. Кн. 1. Ташкент, 1926. 197-214-бетлар; Ўша муаллиф. Национально-освободительное движение в Средней Азии в изображении тов. Федорова // Коммунистическая мысль. Ташкент, 1927. № 3. 185-190-бетлар.

³⁵ Резцов Л. Октябрь в Туркестане. Ташкент: Средазкнига, 1927. 119-б.

³⁶ Цвибак М. Классовая борьба в Туркестане // Историк-марксист. Москва, 1927. № 11. 135-бет.

парвар – жадидларни эса муаллиф «миллий зиёлилар вакиллари»³⁷, деб кўрсатади. Унинг ёзишича, Октябрь воқеалари арафасидаги Туркистон мухторияти дастури буржуа гуруҳларининг асосий дастури бўлиб, «рус ва миллий буржуазиянинг бирлашиши натижасида «аксилинқилобий» Кўкон мухторияти учун кадрлар тайёрланган»³⁸.

Ф. Божко ҳам М. Цвибакнинг бу борадаги фикрларига қўшилган ҳолда, «маҳаллий аҳолининг кенг қатлами инқилобий ҳаракатга жалб қилинмаганлигини», «миллий буржуазияни советларга қарши курашда рус буржуазияси билан бирлашган»³⁹лигини ёзади. Ф. Божконинг фикрича, «мухторият ҳукумати маҳаллий халқнинг мухториятга қарши кураши натижасида эмас, балки аксилинқилобни емирувчи ички синфий қарама-қарши курашлар ва тўқнашувлар натижасида ўз-ўзидан»⁴⁰ мағлубиятга учраган.

Мазкур муаммоларни ўрганишда ўша даврдаги сиёсий жараёнларнинг таъсири катта бўлган. Масалан, 1927 йили Октябрь тўнғаришининг ўн йиллигининг нишонланиши тадқиқотчилар олдига янги вазифаларни қўйди. Улар «энг аввал Октябрь инқилоби тарихини тузиш ва бунга куч бериш, манбаларни тўплаш, уларни нашр этиш, вилоятларда партия тарихини ўрганиш, тўғарақлар тузиш кераклиги»⁴¹ таъкидланди. Шу йили С. Д. Муравейскийнинг 1926 йилда рус тилида нашр этилган партия ва сиёсий савод мактабларига мўлжалланган қўлланмасининг ўзбекча нашри чиқарилди⁴².

Совет тарих фани ўз олдига қўйган мақсадларини амалга оширишда Туркистоннинг сиёсий-ижтимоий ва маданий жараёнларини ёритиб боровчи газета ва журналлардан ҳам кенг фойдаланди. Бу даврга келиб турли номдаги ўттиздан ортиқ газета ва журналлар нашри йўлга қўйилди. Мазкур нашрлар зиммасига «янги ҳокимиятни ички ва ташқи душманлардан сақлаб қолиш, эскиларни ер билан яксон қилиб, турмушни янги асосга қуришга даъват қилиш иши юклатилди»⁴³. Улар ўз саҳифа-

³⁷ Ўша жойда.

³⁸ Ўша жойда.

³⁹ Божко Ф. Гражданская война в Средней Азии. Ташкент: Узгиз, 1930. 6-бет.

⁴⁰ Ўша асар. 24-бет.

⁴¹ Раҳим Ш. Ўзбек тарихи устида // Маориф ва ўқитувчи. 1927. № 3-4. 3-бет.

⁴² Муравейский С. Д. Ўрта Осиёда инқилобий ҳаракатлар тарихидан парчалар (Араб алифбосида). Тошкент, 1927. 60-б.

⁴³ Қаранг: Нурмат. Октябрдан кейин вақтли матбуотимиз // Туркистон. 1922, 24 июн. (Араб алифбосида; Ғаниев Н. Ўзбек матбуотининг галдаги вазифалари. Тошкент, 1929. 168-б.

ларида совет давлати курилишига оид марксча-ленинча ёндошув асосида ёзилган мақолаларни чоп эттирдилар. Масалан, «Туркистон» газетаси «Фарғона босмачилари қайдан чиқди ва уларнинг ҳозирги аҳволи» номли мақолада «Тескаричи Хўқанд мухторияти ҳукумати жанубий Россия козоқлари билан бирлашиб, совет ҳукуматига қарши курашга тайёрланганда ўғри-босмачиларни ўз ёнига тўплаб олди, Хўқанд ҳукуматининг қуролли кучлари енгилгандан кейин босмачи тўдалар Хўқанд бозорларини талаб, бутун музофотга тарқалдилар. Лекин улар ўзларини оддий босқинчи-ўғри деб юргизмасдан, «Туркистон истиклолиятининг хомийлари» деб юргиза бошладилар»⁴⁴, деб ёзилган бўлса, «Қизил Ўзбекистон» газетасидаги «Кўкон мухториятига тўққиз йил тўлди» номли мақолада Туркистон мухториятининг вужудга келиш жараёнлари социалистик мафкура нуқтаи-назаридан келиб чиқиб баҳоланган. Сўнгги мақола муаллифи буржуа зиёлилари (жадидлар) курмоқчи бўлган давлат асосини «бойлар халқчилиги (демократияси)» деб атайди. Мухторият учун бўлган бу ҳаракатни эса «Октябрь тўнтаришидан кейин вужудга келганлиги боис инқилобий ҳаракат, яъни феврал ўзгариши асосларининг давоми учун курашиш деб тушуниш керак», деб ҳисоблади. Гарчи мақолада Туркистон мухторияти ҳукумати «аксилинқилоб уяси, меҳнаткашларни оғир ҳолларга тушириш учун асослар қуришдан бошқа иш кўрсатмаган ҳукумат» сифатида талқин қилинган бўлса ҳам, Туркистон зиёлиларининг 1917 йил феврал ва Октябрь оралиғида миллий давлат қуриш йўлидаги уринишлари кўрсатиб ўтилган»⁴⁵.

Шундай қилиб, 20-йилларнинг биринчи ярмида давлат бошқарувидаги сиқувлар, танқидларга қарамай, гарчи совет ҳокимияти билан келишувчилик ҳолатлари сезилса-да, баъзи бир маҳаллий давлат ва жамоат арбоблари, тарихчилар томонидан 1917-1918 йиллардаги Туркистон миллий давлатчилиқ масалаларига оид ҳолис баҳолар берилганлиги кузатилади. Бирок, 20-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Октябрь тўнтариши инсоният тарихида янги саҳифа очган оламшумул воқеа, коммунистик таълимот эса, мисли кўрилмаган ижтимоий тараққиётни таъминлашга кодир бўлган бирдан-бир назария сифатида баҳоланди. Натижада кўпгина хулосалар ва баҳолар хато бўлиб, тарихий билимларнинг ривожланиш жараёни бузиб кўрсатилди. Муаммога синфий ёндошув натижасида ўлкадаги миллий демократик давлатчилиқ учун кураш

⁴⁴ Фарғона босмачилари қайдан чиқди ва уларнинг ҳозирги аҳволи // Туркистон. 1923, 10 июн. (Араб алифбосида).

⁴⁵ Рамз. Кўкон мухториятига 9 йил тўлди // Қизил Ўзбекистон. 1929, 10 декабр. Араб алифбосида.

совет ҳокимиятига қарши ҳаракат, унинг иштирокчилари эса, «буржуа миллатчилар» сифатида баҳолана бошлади. Мухториятчилар мисолида жамият онгида «душман» қиёфасини яратиш, ёлғон факт ва қарашларни ёйиш кенг тус ола бошлади. Миллий давлатчилик учун кураш ҳаракатларини бирмунча холис ёритган, қолаверса, большевикларнинг Туркистонда олиб борган миллий сиёсатидаги хатоларини фош қилувчи кишиларга эса, сиёсий тамға қўйилиб, тадқиқотлари салбий баҳоланди.

С. МАДЪЯРОВА

ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА ФАОЛИЯТИГА ОИД ДАСТЛАБКИ ИЛМИЙ ҚАРАШЛАР

Мазкур мақолада 1917 йилнинг ноябрида ташкил этилган миллий демократик давлат – Туркистон мухториятининг вужудга келиши, фаолияти, бостирилиши ва оқибатларига оид дастлабки илмий адабиётлар тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилинган. Шунингдек, XX асрнинг 20-йилларида тарих фани ҳолати, мазкур муаммони ўрганишга таъсир кўрсатган омиллар, Туркистон мухторияти тарихи масалаларига тарихчи ва замондошларнинг турли ёндошувлари кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: Туркистон, тарих фани, илмий марказ, тарихшунослик, Туркистон мухторияти, тараққийпарвар, миллий давлатчилик, “Шўро ислomia”, қурултой, демократик давлат, жадидлар, Октябрь тўнтариши, социализм, коммунистик партия, мафкура.

С. МАДЪЯРОВА

ПЕРВЫЕ НАУЧНЫЕ ВЗГЛЯДЫ О ФОРМИРОВАНИИ И ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ТУРКЕСТАНСКОЙ АВТОНОМИИ

В данной статье с точки зрения историографии анализируются первые научные взгляды, посвященные истории Туркестанской автономии – первого национально-демократического государства в Туркестане, образованного в ноябре 1917 года. Также, статья рассматривает состояние исторической науки 20-х годов XX в., факторы, влияющие на изучение данной проблемы, различные подходы историков и современников по вопросам истории Туркестанской автономии.

S. MADYAROVA

**THE FIRST SCIENTIFIC VIEWS ON THE FORMATION
AND ACTIVITIES OF THE TURKESTAN AUTONOMY**

In this article, from the point of view of historiography, the first scientific views on the history of Turkestan autonomy – the first national democratic state in Turkestan, formed in November 1917, are analyzed. Also, the article considers the state of historical science of the 20s of the 20th century, factors influencing the study of this problem, various approaches of historians and contemporaries on the history of the Turkestan autonomy.

Н. МАХКАМОВА

**ОТРАЖЕНИЕ В ЛИТЕРАТУРЕ 20–30-х ГОДОВ XX ВЕКА
ВОПРОСОВ ОСМЫСЛЕНИЯ НОВЫХ ФОРМ
СОВЕТСКОЙ ГОСУДАРСТВЕННОСТИ**

Особое место в истории Узбекистана занимает советский период, сложный и неоднозначный, получивший самые различные оценки и интерпретации как со стороны отечественных авторов, так и со стороны зарубежных исследователей. В особенности это касается 20–30-х гг. XX в., противоречивого периода, когда закладывались основы совершенно новых, чуждых населению и абсолютно непонятных для него форм управления. Причем, на определенных этапах эти оценки резко разнились и отличались касаясь различных аспектов государственной политики. В особенности эти различия позиций наиболее ярко проявлялись в советскую эпоху, приобретая постепенно резко выраженную идеологическую окраску.

Следует отметить, что сложность и неоднозначность периода 20–30-х гг. заключается в том, что в это время происходила смена политических режимов, сопровождаемая ликвидацией старых органов власти и государственной машины, становлением и развитием новых форм собственности и экономических отношений, установлением единственной главенствующей коммунистической идеологии, а это, в свою очередь было связано с мучительным процессом ломки сознания.

В советской историографии о характере и качестве литературы 20–30-х гг., в частности, по вопросам становления и развития новых форм государственности, а также по социально-экономическим проблемам, являющимся одним из аспектов политики официальных властей, утвердилось в целом отрицательное мнение. Ее критиковали за узость проблематики, декларативный характер, поверхностное освещение отдельных текущих вопросов, шаткость методологических позиций. Считалось, что для исследователей литература 20–30-х годов XX в. не представляла особой научной ценности, поскольку в основном представлена статьями практических партийных и хозяйственных работников, которые имеют больше публицистический, чем исследовательский характер и основаны на слабой источниковой базе. Ее значение для исторической науки оценивалось только как «определенный вклад в накопление исто-

рических знаний общего характера» по этому периоду. Что же касается крупных работ, которые были изданы в эти годы и о которых никак нельзя было умолчать, то они просто отвергались, поскольку были написаны, как говорилось в историографических обзорах последующих лет, «с чуждых марксизму-ленинизму меньшевистских позиций», «ошибочно трактовали принципиальные вопросы социально-экономической политики советского государства», а их авторы, «еще не овладевшие ленинской концепцией истории октябрьской революции и рожденного ею советского общества, находились в плену буржуазного объективизма». Такая оценка этой литературы была, по нашему мнению, абсолютно ошибочна, особенно по отношению к литературе 20-х годов.

Первые труды по обобщению практики государственного строительства в Узбекистане в 20–30-е гг. стали появляться уже в указанный период. Большая часть первых исторических работ в Узбекистане, особенно в 20-е гг., была написана не учеными-историками, а партийными и советскими работниками, многие из которых являлись или свидетелями, или непосредственными участниками событий. Это были преимущественно сборники материалов или журнальные статьи, в которых обсуждались проводимые правительством мероприятия по дальнейшему развитию и совершенствованию государственности в Узбекистане. Среди них можно отметить, например, публикации Н. Н. Кожанова, Н. А. Димо и др., посвященных административно-экономическому делению ТАССР¹, статьи И. И. Крыльцова «Государственное размежевание среднеазиатских республик»² и «Правовое оформление новых республик Средней Азии»³, посвященные национально-государственному размежеванию Средней Азии. Эта проблема заслуживает особого внимания при анализе литературы периода, так как именно в результате размежевания образовалась Узбекская ССР, что явилось переломным моментом в развитии государственности. В то же время следует отметить, что 20–30-е гг. явились периодом становления марксистско-ленинской исторической науки, которая была призвана осмыслить важнейшие вопросы истории начальных этапов становления и развития социалистического общества, а также новой формы государственности с новых концептуально-методологических классовых позиций.

Определенный интерес для исследователей представляют статьи, опубликованные на страницах журналов «Советское строительство» и

¹ Материалы по районированию Туркестана. Сборник статей по районированию Туркестана. Под ред. Д. П. Красновского. Вып. 1. Ташкент, 1922.

² «Вестник юстиции Узбекистана». Ташкент, 1925. № 1. С. 11-35.

³ Там же. № 2. С. 3-19.

«Революционный Восток». В них освещались вопросы государственного, хозяйственного и культурного строительства советских республик, в том числе Узбекистана. Как отмечал М. Х. Хакимов, «по существу, это был первый этап в изучении опыта национально-государственного строительства в нашей стране, в развитии советской государственно-правовой мысли...»⁴ Большой интерес и научную ценность своим критическим восприятием происходивших в процессе построения новых форм государственности в республике в 20-е годы представляют для современных историографов публикации крупных политических деятелей того периода Т. Рыскулова и Ф. Ходжаева. Т. Рыскулов⁵ в своих докладах и выступлениях поднимал такие вопросы, как формальный характер провозглашенного центром права народов на самоопределение, колонизаторские аспекты советской национальной и экономической политики, борьба с голодом, необходимость организации мусульманской красной армии и др. В обширном творческом наследии Ф. Ходжаева⁶ содержится аналитическая критика происходивших в республике преобразовательных процессов, их ошибки и негативные последствия. В нем раскрываются средства достижения побед советской власти в строительстве социализма, трудные будни этого периода. В работах Ф. Ходжаева уделяется большое внимание организации работы Советов как органа власти и управления после национально-государственного размежевания. Как подчеркивал сам Ф. Ходжаев, задача эта решалась «в чрезвычайно трудных условиях пестроты хозяйственной, политической и бытовой жизни различных районов республики, поскольку она сложилась из частей, стоявших на совершенно различных уровнях развития. В середине 20-х гг. бывшая Бухара и бывшая Туркеспублика были далеко не одно и то же»⁷. Несмотря на то, что труды Ф. Ходжаева несут на себе идеологический отпечаток своего времени, они представляют сегодня для историографов большую ценность, так как написаны глазами очевидца, занимавшего высокую должность и обладавшего прекрасными аналитическими способностями, и дают нам такие сведения, которых практически нет в литературе 20–30-х годов.

⁴ Хакимов М. Х. Развитие национальной советской государственности в Узбекистане. Ташкент, 1965. С. 8.

